5 ИЮН 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 106 (20. 973) 1991 йил 5 июнь, чоршанба • Рўзнома йилига 256 марта чиқади. • Баҳоси 8 тийин.

«Совет Ўзбекистони», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

Фармон ва ижро

ЭЛГА ХИЗМАТ— ОЛИЙ ҲИММАТ

● Аҳолининг барча қатламини ижтимоий ҳимоялаш масаласи Жиззах вилояти партия комитети ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Вилоят ташкилотлари, корхоналари ва муассасалари раҳбарлари жумҳурият Президентининг иқтисодиётни барқарорлаштириш, меҳнаткашларнинг ҳаёт даражасини яхшилашга доир Фармонларини амалга ошириш борасида амалий ишларни олиб бормоқдалар.

ЁШ АВЛОДГА ҒАМХЎРЛИК

Хўш, Фармоннинг ижроси қандай бўлмоқда? 1990 йилда камқонли аёлларга қўшимча овқатланишлари учун 135,5 минг сўм, 1—5-синф ўқувчиларига эса 2428 минг сўм пул ажратилди. Жиззах шаҳрида вилоят соғломлаштириш маркази ташкил этилди. Бу саломатлик масканида юқори малакали ходимлар ишлайдилар. Консультацияга бошқа минтақалардан ўз касбининг билимдонлари таклиф этиб турилади.

3045 нафар бошланғич синф ўқитувчисининг иш ҳақи 64 сўм 26 тийинга кўпайтирилди. Шу мақсадлар учун 1990 йилда 1.04 миллион сўм сарфланди.

Талабалар, аспирантлар, техникум ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг ҳам стипендиялари оширилди. Биргина тўқсонинчи йилнинг тўртинчи кварталида стипендиялар учун 362,5 минг сўм сарфланди.

Ҳаракатда баракат

А. Саркисов номидаги давлат хўжалиги маъмурияти (директори А. Абдувоҳидов) ўз ҳудудидаги мактабда тажриба ўтказмоқда: чорак якунига кўра ўқувчиларга мукофот берилади — аълочиларга 15 сўмдан, иккинчи ва учинчи ўринни олганларга 15 ва 10 сўмдан тўланади. Бу бир йилда тўрт ярим минг сўмни ташкил этади. Шуниси қувончлики, бу тадбир ўқувчиларда ўқишга иштиёқини оширибгина қолмай, ота-оналари, ўртоқлари олдида масъулиятни чуқур ҳис этиш, бир хил ўзлаштиришга эришиш ҳаракатини авж олдирмоқда. Бошланғич синфларда ва болалар боғчаларида овқат текин. Буларнинг ҳаммаси хўжалик ҳисобидан. Давлат хўжалиги идораси биноси 250 ўринли боғчага берилди.

Ўқитувчилар ва болалар боғчалари тарбиячиларининг бир жойда қўним билан ишлашларини таъминлаш мақсадида уларга уй-жойлар қайси идорага қарашлигидан қатъи назар шахсий мулк сифатида берилди. Масалан, Дўстлик районида район партия қўмитасининг (биринчи котиби Норбек Қаюмов) 612 нафар ўқитувчидан 221 кишига уй-жой шахсий мулк сифатида берилган бўлса, 445 нафар ўқитувчи коммунал хизмати ҳақи тўлашдан озод этилди, 167 ўқитувчининг коммунал хизмат ҳақи тўлаши эллик фоизга қисқарди, ўн етти нафар ўқитувчининг уйи бепул ремонт қилиб берилди.

(Давомни учинчи бетда).

Тошлоқ районидаги «Ленинград» жамоа хўжалиги аъзолари бу йил 560 қути қурт уруғини меҳр билан парвариш қилишди. Айниқса, Сурмахон Тешабоева етакчилигидаги бригада аъзолари 41 қути қурт уруғидан мўл ҳосил кўтаришмоқда. Илғор пиллакор Маъфиратхон Рўзиева эса бир қути қурт уруғидан режадаги 65 килограмм ўринга 100 килограмм пилла топширди.

Суратда М. Рўзиевани кўриб турибсиз.

А. ҚОСИМОВ туширган сурат.

ЗАФАР ҚУЧГАНЛАР

● Сирдарё вилояти пиллакорлари қабул пунктларига 450 тоннадан зиёд пилла топшириб, йиллик режани оширишда бажаришди. Ҳар қути ипак қуртидан ўртача 55 килограммдан хом ашё олишди. Бу ютуққа Комсомол, Гулистон, Оқолтин, Боёвут, Ворошилов районларининг пиллакорлари катта ҳисса қўшишди. Оқолтинлик Малика Тўйчиева, боёвутлик Ойхон Мусаева, ворошиловлик Мастура Соипова ва бошқалар ҳосилдорликни 90—100 килограммдан оширишди. Вилоят пиллакорларининг нияти — режага қўшимча равишда яна 50 тонна юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш.

● Учқўрғон райони пиллакорлари ҳам маррага етишди. Улар давлатга 308,3 тонна пилла етказиб беришди. Бу ерда ҳосилдорлик ҳар қути уруғ ҳисобига 65 килограммни ташкил этди. Пиллакорлар режага қўшимча яна 18 тонна маҳсулот тайёрлашга аҳд қилишди.

● Қумқўрғон райони «кумуш тола» ижодкорлари ҳам маррага етишди. Улар қабул пунктларига 151 тонна юқори сифатли хом ашё сотишди. С. Нурмонов, Қ. Сатторова, О. Маманова, Д. Абдуназарова сингари пиллакорлар ҳар қути ипак қуртидан 90—100 килограммдан ҳосил олишди. Миришкорларнинг нияти — қабул пунктларига яна 25 тонна хом ашё топшириш.

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ

Самарқанд шаҳрининг Сиёб район пионер ва ўқувчилар уйи расм тўгарагида қатнашаётган болалар хотирасида Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги нишонланадиган йил бир умрга сақланиб қолади. Улар ижод билан самарали шуғулланмоқдалар. Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов ўқувчиларга ижодий ишлари учун миннатдорчилик билдириб, уларга мутафаккир шоирнинг суратини совға қилиб юборди.

Расм тўгараги иш бошлаганига ўн икки йил бўлди. Шу давр мобайнида 400 га яқин бола гўзаллик олами билан ошно бўлди. Уларнинг кўпчилиги рассомлик касбини эгалладилар. Ўзбекистондагина эмас, Иттифоқимизнинг бошқа минтақаларида ҳам самарали ижод қилишмоқда. Бу йил тўгаракка маҳаллий миллат болаларидан кўплаб қўшилди. Салоҳиятли ёшлар ижодидан ҳикоя қилувчи пионерлар уйида очилган кўргазмага хилма-хил расмлар қўйилган, улар орасида Алишер Навоийга бағишланганлари ҳам анчагина.

«Сиз расм тўгарагида жонажон ўлка табиатини, тарихимиз ёдгорликларини, бугунги Ўзбекистонимизни бадиий ифодалашга интилаётганингиз жуда яхши, — дейилади Ўзбекистон ССР Президентининг мактубида. — Яхшилик, меҳр-мурувват, садоқат, одамларга, ўз Ватанимизга муҳаббат сингари юксак инсоний эзгу ниятларга муносиб бўлингиз. Ана шу инсоний муносабатларни Алишер Навоий бутун ижодида тарғиб этган ва қарор топтирган эди...».

Жумҳурият Президентининг мактуби ва эсдалик совғаси болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунида расм тўгараги аъзоларига тантанали вазиятда топширилди.

(ЎзТАГ мухбири).

ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИНИ ТАЙЁРЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

3 июнь куни Москва вилоятидаги Ново-Огарево ҳукумат боргоҳида СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида Тайёргарлик комитетининг янги Иттифоқ шартномаси лойиҳасини тайёрлаш ишларини ниҳоясига етказишга бағишланган навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда РСФСР, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон ва мухтор жумҳуриятлар Президентлари ҳамда Олий Кенгашларининг раислари қатнашдилар.

Мажлисда СССР Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов, Иттифоқ парламенти Миллатлар Кенгашининг раиси Р. Н. Нишонов иштирок этдилар.

Ҳужжат моддама-модда муҳокама қилинди.

Журналистларнинг илтимосига биноан СССР Президентининг ёрдамчиси Г. Х. Шахназаров муҳокама қандай ўтаётганлигини шарҳлаб берди.

Баҳсларнинг боришн хайрихоҳлик ва ҳамжиҳатлик билан ажралиб турди, деди у. Хусусан, бўлажак федерациянинг Совет Суверен Республикалари Иттифоқи деган номи тўғрисидаги масалада келишув тасдиқланди, деб давом этди Президентнинг ёрдамчиси. Айни пайтда референдум якунларига мувофиқ «социалистик» сўзини сақлаб қолиш зарурлиги тўғрисида фикр айтилди. Бунга жавобан жаҳонда номида мафкуравий рамз бўлган мамлакат деярли қолмади, деган далил келтирилди. Номга ўзгартиш киритиш социалистик олий мақсадлардан, халқнинг референдумда ифодаланган иродасини бажаришдан мутлақо воз кечиш эмас, деб таъкидлади Г. Х. Шахназаров.

Ўтган кун мобайнида, деб давом этди у, кириш қисми муҳокама қилиниб, ҳужжатнинг биринчи бўлимини кўриб чиқишни бошлашга муваффақ бўлинди. Бу бўлимда Иттифоқ асосланадиган умумий қоидалар: инсон ҳуқуқларини, халқ ҳокимиятини таъминлаш, мулкчиликнинг барча шакллари, бозор муносабатлари эркин ривожланиши мумкинлиги тўғрисида гап боради.

Г. Х. Шахназаровнинг фикрича, шартнома тузилмаси матбуотда эълон қилинган шартнома лойиҳаси матнига нисбатан тубдан ўзгарган эмас. Ҳужжат бойитилмоқда, яхшиланмоқда, унга аниқлик киритилмоқда. Иш енгил кўчмоқда, лекин ҳали амалга ошириладиган ишлар кўп.

(ТАСС).

МАҲФИЙ ЭДИ. ЭНДИ БОЗОРГА ЧИҚМОҚДА

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида «Мудофаа тармоқларининг илғор технологияси — халқ хўжалигига» кўргазма-семинари иш бошлади. Москва авиация техникаси илмгоҳи билан СССР Граждан авиацияси вазирлиги ишлаб чиқариш ташкилоти бу ерда ўз ишланмаларини намойиш қилмоқда. Янгиликларни ҳар қандай корхона сотиб олиши мумкин. Иқтисодий ва илмий-техникавий тарғибот жумҳурият уйи кўргазма ташкилотчиси бўлди.

— Шу вақтга қадар мудофаа илмгоҳлари халқ хўжалиги учун беркитиб қўйилган эди, — дейди тарғибот уйининг директори Х. Қурбонов. — Дастлабки кунларнинг ўзи соф «фуқаро» тармоқлари учун қизиқарли бўлган жуда кўп технологиялар мавжудлигини кўрсатди. Масалан, фақат пайвандлаш масалалари юзасидан ўнлаб таклифлар мавжуд. Механик ишлов бериш, тунукаларни штамповкалаш, композицион қопламалар, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этиш... Кўргазманинг ана шу ва бошқа бўлимлари баракали иқтисодий самара бериши мумкин.

Кўргазма 7 июнгача давом этади. Уни очиш маросимида Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Р. Р. Ражабов қатнашди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида

Давлат билан диннинг ўзаро муносабатлари, виждон эркинлиги қоидаларини амалга ошириш масалаларига нисбатан янгича ёндашувларга мувофиқ, мусулмонларнинг жуда катта аҳамиятга молик расмларидан бири — хаж сафарини ташкил этишга кўмаклашиш тўғрисидаги фуқароларнинг кўпдан-кўп илтимосларини эътиборга олиб, Ўзбекистон ССР Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. А. Каримов ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг таклифига биноан диндорларнинг катта гуруҳини зиёратчилар сифатида 1991 йилнинг 12 июнидан 30 июнигача Саудия Арабистонига юбориш тўғрисидаги фармойишини имзолади.

Қабул қилинган ҳужжатда бир қанча жумҳурият вазирликлари ва идоралари олдига зиёратни яхши уюштириш, одамларнинг хавфсизлиги ва саломатлигини таъминлаш мақсадини кўзловчи вазифалар қўйилган.

Фуқаро авиацияси Ўзбекистон бошқармасига зиёратчиларни уларнинг шахсий маблағлари ҳисобидан ташишни ташкил этиш топширилди. Ички ва Ташқи ишлар вазирликларига, жумҳурият божхонасига улар кетиши учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш таклиф этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига зиёратчиларга тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш учун зарур дори-дармонлар ажратиш, мусулмонлар диний бошқармаси билан биргаликда уларни кузатиб борувчи малакали шифокорларни Саудия Арабистонига юбориш топширилди.

Тошкент шаҳар ижроия комитети олдига Саудия Арабистонига жўнаб кетишдан олдин ва у ердан қайтиб келгандан сўнг зиёратчилар гуруҳини жойлаштириш, уларга транспорт хизмати кўрсатиш масалаларини ҳал этиш вазифаси қўйилди.

Ҳужжатда Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгашига, вилоят ижроия комитетларига зиёратга яхши тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам топшириқлар берилган.

• *Халқ ризқига хиёнат қилишга уялмайсизми?*

Шуми оқибат?

Жумҳурият Президентининг аҳоли турмушини яхшилаш борасидаги қатор Фармонлари Итифоқимизда юз бераётган иқтисодий танглик шароитида халқимизга мадат бўлмоқда. Жумладан, бизда ўзга жумҳуриятлардан фарқли ўлароқ ун, дон, нон маҳсулотларининг нархи ошмаганлиги, яшаш тарзи Иттифоқ кўрсаткичидан анча паст бўлган жумҳуриятимиз аҳолиси учун бироз енгиллик туғдирди. Аммо биз билан ёнма-ён яшаётган айрим қардошларимизнинг бу ҳолдан фойдаланиб қолишга уринаётганлиги сир эмас.

Жиззах шаҳрида яшовчи Марям Бигаева Чечен-Ингушиянинг Молгабек шаҳридаги ҳамюртларини ноёб озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб туриш эвазига бойлик орттиришни касб қилган кўринади. «Жиззах» тижорат марказига ишга жойлашиб олган бу аёл давлат белгиси 1884—ХЧИ бўлган КаМАЗ автомашинасига 3 тонна 200 килограмм ун, 1 тонна 370 килограмм сариёғ, 662 дона гўшт консерваси, 140 килограмм гуруч, 152 килограмм маргарин ва 500 шиша пахта ёғи ортиб кетаётганида ички ишлар ходимлари томонидан тўхтатилди. Машинага ортилган моллар ҳамда ҳайдовчи И. Довурбеков ҳужжатлари текшириб кўрилганда Президент Фармонига батамом зид йўл тутилганлиги маълум бўлди.

Хўш, ушбу ноёб озиқ-овқат моллари кимнинг ҳақи? Ҳар бир килограмм маҳсулот қатъий рўйхат асосида берилаётганлигига қарамасдан жумҳурият халқини тўлиқ таъминлаш имконияти бўлмаётган бир пайтда М. Бигаева шунча молни қаердан олди? Бу саволлар энг аввало вилоятдаги савдо тармоқлари раҳбарлари эътиборига ҳавола. Қолаверса «Жиззах» тижорат маркази раҳбарларининг ўз ходимасига шунчалик кенг фаолият учун шароит яратиб берганлиги кишини таажжублантиради. Вилоят ички ишлар бошқармаси ОБХСС ходимларининг кейинги текширувлари М. Бигаеванинг ўз иш жойи — омборхонасида яна 4 тонна 300 килограмм биринчи навли ун сақлаётганлигини аниқлади.

12 май куни Жиззах вилоятида давлат автомобиль назорати ходимлари А. Дзалев ва Р. Седаковлар бошқариб келаётган ГАЗ 53 ва КаМАЗ машиналарини тўхтатишганида қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлдилар. Машиналарга 10 тонна маргарин, 1760 шиша шампан виноси ортилган экан. Сурхондарёнинг Денов районидан чиққан ҳайдовчилар Владикавказ шаҳрига йўл олишибди. Улар Денов район матлубот жамияти билан Владикавказнинг ресторан ва кафелар трести ўртасидаги шартномани кўрсатишиб, қутилмоқчи бўлдилар. Аммо ҳужжатлар синчиклаб ўрганилганда шартномалар юзаки, тегишли давлат идоралари томонидан тасдиқланмаганлиги аён бўлди. Худди шунингдек, Шаҳрисабз районидан Калинин шаҳрининг Заволск районига қонунсиз равишда 2724 килограмм олмақоқи, 16 тонна ем олиб кетаётган давлат белгиси 8525—КАТ, 0081—КАТ бўлган КаМАЗ автомашиналари ҳайдовчилари С. Пименов ва А. Кожановлар ҳам ОБХСС ходимларининг қўлига тушдилар.

— Афсуски, халқимиз ризқини қийиб, ўзга жумҳуриятларга мол ортиш ҳоллари тез-тез учраб турибди, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси ОБХСС бўлими бошлиғи Абдували Дарменов. —Биз қўлга тушган озиқ-овқат ва халқ истеъмоли молларини савдо тармоқлари орқали халққа соттирилишини таъминлаяпмиз. Қонунбузарларга қарши курашда ички ишлар ходимларига кенг жамоатчилик янада яқиндан ёрдам берса айни муддао бўларди.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Омбор—чайқовчи—харидор

ЕКИ САВДО ХИЗМАТИДАГИ ЭСКИ КАСАЛГА ЯНГИЧА ШАРҲ

Бошқа жойларни билмадиму, аммо Самарқандда савдо хизмати аллақачон ана шунақа усулга ўтган. Айниқса нарх-наво ошгандан кейин олибсотарнинг, чайқовчининг куни туғди. Қимматчилик, беш фоизлик солиқ, боз устига истеъмол товарларининг тақчиллиги одамлар силласини қуритаётган бир пайтда харидорлар ҳақига хиёнат қилишга чидаб бўлмайди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси БХСС бўлими ходимлари шу йилнинг биринчи кварталида 205 та дўконда харидорларни алдаш ва 74 жойда маҳсулотни атайин яшириб қўйиш ҳолларини аниқлашган. Гарчи бундай шахсларнинг айримлари устидан жиноий иш қўзғатилган бўлса-да, шу кунгача уларнинг бирортаси ҳам жавобгарликка тортилган эмас. Жазосиз қолган жиноятнинг эса уруғи уруғ бўларди.

Боғишамол ноҳияси озиқ-овқат моллари савдоси корхонасига қарашли 3-дўкон мудири М. Мансурова Жомбой тегирмонидан олган 5,5 тонна унни ўз уйига келтириб новвой қўшнисига оширилган нархда пуллаган. «Мароканда» ижара савдо корхонаси 1-дўконининг упаэлик бўлими мудираси К. Абдураҳмонова 19 минг сўмлик товарни одамлар кўзидан четга олиб қўйган. Самарқанд шаҳар саноат моллари савдоси идорасига қарашли 3-дўкон мудири А. Ўташев ҳам 4300 сўмлик маҳсулотни яширмоқчи бўлган. Бундай мисолларни ўнлаб, юзлаб келтириш мумкин.

— Ходимларимиз савдо хизматида рўй бераётган сунистеъмолчиликларни ўз вақтида аниқлашади, —дейди вилоят ички ишлар бошқармаси БХСС бўлими бошлиғи, подполковник Рустам Зоҳидов. — Аммо ғайриқонуний ҳаракатлар эътиборсиз қолдириляпти. Айримлари оддий ҳайфсан билан қутулишади. Судга оширилган ишлар эса қўлдан-қўлга ўтавериб, йиртилиб кетади.

Милиция ходимининг гапида жон бор. Муҳими шундаки, бу фикрни савдогарлар ҳам тасдиқлашади.

— Ҳақиқатан ҳам ҳамкасбларимнинг жиноий жазога тортилганини жуда кам эшитамиз. Улар терговчи билан осонгина тил топишишади. Демак, савдо ходимининг жазо олмаслигидан бошқалар ҳам манфаатдордир. Аммо нечундир жиноят жазосиз қолса, жавобини қонунчидан эмас, нуқул биздан сўрашади,— дейди тажрибали савдо ходими, марказий универмаг директори Рафиқ ака Азизов. —Ўзингиз ўйлаб кўринг, биргина Самарқанд шаҳрида 17 минг нафар савдо ходими ишлайди. Уларнинг қайси бирини ҳар куни назорат қилиб улгурасиз. Аммо бизни текширадиган ташкилотлар кун сайин ошиб ҳозир 46 тага етди.

Рафиқ ака яна бир гапни айтди. Бошқа соҳаларда оилавий сулолани кўкка кўтариб мақташади. Аммо бизнинг фарзандларимиз сафимизни эгалласа бошимиз тағнадан чиқмайди. Иккинчидан, савдо тармоғига хизмат кўрсатувчи идора ва шаҳсларнинг аксарияти таъмагир бўлиб кетишган. Мисол учун юк ташувчи машиналар путёвкадан ташқари албатта қўшимча ҳақ олишади. Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш керак.

Фақат бугина эмас, шу йилнинг ўтган даврида вилоят ҳудудидан ғайриқонуний равишда кўплаб миқдорда маҳсулотлар олиб кетиш ҳаракатлари аниқланди. 18 та давлат идорасига тегишли ва 9 та шахсий автомашиналар ана шундай ҳолда қўлга туширилди. Туркманистонга олиб кетилаётган 41 тонна картошка ва 13 тонна пиёз Сиёб бозорида соттирилди. Қизиғи шундаки, бу ҳаракатга қўшилганлар ҳалигача жазосини олишмаган.

— Омбор — чайқовчи— харидор усули турмушга сингиб бораётир. Бундай номақбул ҳаракатга қарши қаттиққўллик билан курашиш вақти етди.

Ф. ТОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

САЙЁРАМИЗ НАФАСИ

УЧРАШУВГА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ

● Кнодо Цусин агентлиги Лондондан Англиядаги ҳукумат манбаларига таяниб шу ҳақда хабар қилди: ССРР Президенти Михаил Горбачев жаҳондаги саноат ривожланган етти етакчи мамлакат давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Лондонда бўладиган учрашувига таклиф этилади. Келгуси ҳафтанинг бошларида бу ҳусусда расмий қарор қабул қилиниши кутилмоқда, деб таъкидлайди агентлик.

ОҚ УЙДАГИ МУЛОҚОТДА

● Олий даражадаги навбатдаги Совет-Америка учрашувининг аниқ вақти белгиланмаган бўлса ҳам иккала томон июнь ойининг сўнгги кунлари ва июль ойининг дастлабки кунларини шундай учрашув ўтказилиши мумкин бўлган вақт деб ҳисобламоқда.

АҚШ Президентининг матбуот котиби М. Фицуотер Оқ уйда бўлиб ўтган савол-жавоб мулоқотида шу гапларни айтди.

ҲУКМ ЧИҚАРИЛДИ

● Руминия олий суди ҳарбий шўъбаси Руминия собиқ диктаторининг ўғли Ника Чаушеску иши юзасидан ҳукм чиқарди. Ҳукмга биноан у 16 йил қамоқ жазосини ўтайди, шу жумладан 8 йил фуқаролик ҳуқуқлари ва барча ҳарбий унвонлардан маҳрум этилади, мол-мулки эса қисман мусодара қилинади.

ВУЛҚОН ОТИЛДИ

● Японниянинг Кюсю оролидаги Ундзен вулқони отилиб чиқди. Чўғ бўлиб қизиган олов 1300 метрдан кўпроқ баландликдаги чўққи ён бағридан шу қадар тезликда пастга туша бошладики, у полиция соқчиларининг машинасига зарар етказди.

Вулқон душанба куни отила бошлангандан бери ҳозирча 18 киши бедарак йўқолган. Уларнинг орасида 12 журналист ва 6 нафар маҳаллий ерлик фуқаро бор. Кнодо Цусин ахборот агентлиги шу ҳақда хабар берди.

(ТАСС хабарлари асосида тайёрланди).

Воқеалар, янгиликлар, шарҳлар

Партия турмуши: аъзоликка қабул

Табиат ва жамиятнинг муштарак қонунлари кўп. Мисол учун, мулки борлиқда рўй берадиган инкорни инкор қонуни кишилар турмушида ҳам ўз ифодасини топади. Аммо биз кейинги йигирма йиллар давомида оламда мутлақ гоя, мутлақ жамият, мутлақ партия бўлмаслигини унутиб қўйдик. КПССнинг йиллар давомида минглаб фидойи коммунистлар жонкуярлиги туфайли ортиб борган нуфузини, обрўсини нотўғри талқин қилдик.

Ваҳолонки, Коммунистик партия ҳам бошқа жамоат ташкилотлари ва сиёсий кучлар каби ўз фаолиятида ички ҳамда ташқи курашларни бошдан кечириши табиий эди. Биз эса партия тузилиши, иш фаолиятига янгича қараб, унга ўзгартириш киритишга уринган сафдошларимизга йўл бер-

ҳоллари кўзга ташланмоқда. Ҳолбуки, қайта қуришнинг ҳозирги нозик вазиятида бундай қилиш асло мумкин эмас. Аксинча, жамиятдаги барча кучларни бирлаштириш зарур. Коммунист ва депутат қаерда ишлашидан қатъи назар ўзи яшаб турган қишлоқ, ноҳия тақдири учун масъулдир. Шундай экан, райондаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазият учун партия кўмитаси ҳам, ижроия қўмитаси ҳам баб-баравар халқ олдида жавоб беради.

Район партия қўмитасининг шу йил март ойида бўлган бюро мажлисида партия аъзолари — райижроком раисининг ўринбосари М. Саидов ва бош меъмор М. Розиқулов уй-жой режасининг бажарилиши устидан қандай назорат ўрнатганликлари хусусида ҳисобот бердилар. Ўз навбатида райкомнинг бюро аъзоси М. Қўшбоев ўзи раҳбарлик қилаётган Киров номли ижара хўжалигида меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик даражасини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида халқ депутатлари район Кенгаши раёсатида ҳисоб берди.

Турмуш синовидан ўтган бундай усулни бундан буён ҳам давом эттириш ниятидамиз. Мисол учун, август ойида райком бюросида Бирлашган қишлоқ Шўросининг янгича анъана ва маросимларни жорий этиш юзасидан олиб бораётган ишлари кўриб чиқилади. Сентябрь ойида эса Саноат, Оққўрғон қишлоқ Шўролари ижроия комитетлари партия ташкилотлари котибларининг ҳисоботи эшитилади.

Яқинда ҳузуримга бир ишчи йигит келди. Айтишича, у талабалик даврида безорилар билан уришиб судланган. Муддатни иш жойида ўтаган.

— Тўполонга тасодифан аралашгандим. Аммо айбимни тўла тушуниб етдим, — деди у. — Мана орадан 6 йил ўтиб кетди. Бу вақт ичида ишда пешқадамлар сафидан ўрин олдим. Ўзимни меҳнатда оқладим. Мен коммунистлар сафида бўлишни хоҳлайман...

Очиғи, йигитнинг мақсади менга ёқди. Ахир кечагина ўрта мактабни битирган, бор-йўғи бир йил ишлаган, ҳали турмуш синовларидан ўтмаган айрим ёшлардан кўра шундай кишиларни партия сафига қабул қилсак яхши эмасми? Бошланғич партия ташкилотидаги коммунистлар билан маслаҳатлашиб, партия йиғилишида ўша йигитнинг аризасини кўриб чиқдик. Унга партия сафига қабул қилиниши учун синов муддати белгиланди.

Айтмоқчиманки, партия турмушининг нормалари бўлади, аммо уни бир хил қолипга айлантириб қўймаслик зарур. Фаолиятимизга, иш тутушимизга турмуш жараёнида ўзгаришлар, янгиликлар киритиб бораверишкерак. Ана шундагина биз доимо одамлар билан бирга яшаймиз. Халқнинг катта-кичик ташвиш ва орзу-умидларига шерик бўламиз.

Р. МАҲМУДОВ,
Пайариқ район партия қўмитасининг ташкилий бўлими мудири.

«КОММУНИСТ БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН...»

мадик. Марказий Комитет раҳбарларининг фикри бутун партиянинг фикри бўлиб қолаверди. Партия нафақат халқдан, балки коммунистлардан ҳам айрим қатламларидан ажралиб қолди.

Шуни таъкидлаш зарурки, ҳар қандай ҳолатда ҳам партия ўзининг олий мақсадидан чекинган эмас. У ўз хатоларини кўра билди, тан олди ва халққа ошкора айтди. Қайта қуришдек мураккаб жараённи бошлашга ўзида жўръат топа билди, унинг яловбардори бўлди. Ҳозир айрим сафсатабозлар жар солаётганларидек, одамлар партиядан юз ўгиришгани йўқ. Аксинча, бу қудратли сиёсий кучнинг имкониятларига тобора ишонмоқдалар.

Районимиз партия ташкилоти ҳисобида 3531 нафар партия аъзоси бор. Улар 139 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 38 кишини сафимизга қабул қилдик. Бу кўрсаткич бултур шу даврда 21 кишини ташкил этган эди. Партияга қабул қилинганлар орасида қишлоқ хўжалиги ходимлари 21 нафар бўлди. Ўтган йили улар атиги 9 нафар эди.

Иш юритишни ўзбек тилига ўтказишимизнинг ўзиёқ халқда илиқ кайфият уйғотди. Жамоа хўжалигининг оддий аъзоси ҳам ариза ва бошқа ҳужжатларни рус тилида тўлдирар эди. Ариза, таржимаи ҳол, тавсиянома ёзишда ҳар қандай андозалардан воз кечганмиз.

Маълумки, партияга қабулда номзодлик муддати олиб ташланди. Бироқ энди масъулият ўн чандон кўпайди. Чунки қабул қилинаётган одам партия ҳаётига тўла қўшилиб кета оладиган даражада яхши хислатларга эга бўлиши лозим. Бунинг учун биз бошланғич ташкилотлар билан яқин алоқа ўрнатганмиз. Бошланғич ташкилотда қабул масаласи кўрилганда, албатта, район партия комитетининг бирортаҳ йўриқчиси ўша йиғилишда қатнашади, жамоанинг номзод ҳақидаги фикрини бевосита ўрганади. Бундан ташқари, бўлим мудири сифатида ўзим ҳам партия сафига кираётганлар билан алоҳида, ошкора суҳбатлашаман.

Яқинда район партия комитети бюроси «Ленинизм» жамоа хўжалиги пахтачилик бригадасининг бошлиғи Ширинқул Турсуновни партия сафига қабул қилди. Ширинқул олий маълумотли инженер-механик, 1987 йил-

дан бери бригадага саркорлик қилади. Жамоаси ҳар йили режани ошириб бажаради. Энг муҳими, бу йигит жамиятда, ҳаётда ўз ўрнини топа олган. Партияга ана шундай кадрлар керак ҳозир. Ш. Турсуновга шу хўжаликнинг тажрибали звено бошлиқларидан Назар Расулов, Зарҳол Саманова кафолатнома беришган. Ўзаро суҳбат чоғида Ширинқул жамият, қайта қуриш ва унда партиянинг ўрни ҳақида жуда маънили, мазмунли, тош босадиган фикрлар билдирди.

Умуман, яқинда бир гуруҳ ёшларга партия билети топширилди. Бизнинг улардан умидимиз катта. Мен 28-мактаб комсомол ташкилоти котиби, жуғрофия фани муаллимаси Мубарро Қодирова, райижроком ҳодими Акбаржон Сайдиев, «Қорақалпоғистон» давлат хўжалиги ишчиси Сайдулла Миянновларни назарда тутяпман.

Назаримда, биз баъзан коммунистлар сафи камаяётганлигидан кўп ҳам ташвишланавермаслигимиз керак. Чунки партиянинг кучқудратини унинг сафлари кенглиги эмас, балки аъзоларининг онглилик даражаси, жанговарлиги белгилайди. Ўтган йили ҳар хил шов-шувлар авж олган пайтда район бўйича 6 киши партия билетини топширган эди. Сафдошларимиз астасекин масаланинг моҳиятини тушуна бошлашди. Шу боисдан ҳам бу йил бирорта киши партиядан чиқишга ариза бергани йўқ.

Марказдаги айрим вилоят ва шаҳарларда маҳаллий Шўро ва партия идоралари фаолиятини бир-биридан мутлақо чегаралаб қўйиш

• КПСС Марказий Комитети Котибиятининг мажлисидан

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР БУРИЛИШ МАРРАСИДА

КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко раислигида КПСС Марказий Комитети Котибиятининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ҳозир партия ички турмушида бошланғич партия ташкилотлари ишини яхшилашдан кўра муҳимроқ муаммо бўлмаса керак. Чунки улар олдида меҳнат жамоаларида ўзлари тутган ўринни қайта англаб олиш, ишнинг ўзгарган шароитга мос янги шакл ва усулларини излаб топиш, коммунистларни аниқ ишларда жипслаштиришдек ниҳоятда муҳим вазифа вужудга келди. Агар бошланғич ташкилотлар мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият ёмонлашиб бораётгани, КПССга ва социализмга ҳуружлар қилинаётгани туфайли вужудга келган кескинликнинг бутун оғирлигини биринчи навбатда ўзларида ҳис қилаётганликлари ҳисобга олинса, социалистик позицияларда қатъий турган сиёсий куч бўлган КПССни мустаҳкамлаш йўлидаги асосий кураш шу соҳада борраётганлиги аён бўлиб қолади.

Партия қуйи идораларининг барчаси ҳам ўз бошига тушган синовларга дош беряптими? Афсуски, айрим бошланғич партия ташкилотлари довдираб қолганидан, жамоаларда ўз таъсирини йўқотиб қўйганлигидан, айримлари эса бутунлай тарқаб кетганидан далолат берувчи анчагина мисоллар бор. Ҳар бир бошланғич ташкилот ишлайдиган бўлиши учун нима қилиш керак?

Бу муҳим масала, айниқса, бошланғич партия ташкилотлари котибларининг яқинда тугалланган зонал кенгашларида кўп муҳокама қилинди. КПСС Марказий Комитетининг бошланғич ташкилотлар фаолиятини янгилаш комиссияси ташаббуси билан ўтказилган зонал кенгашлар 274 мингдан кўпроқ котибни турмуш ўртага қўйган саволларга кўплашиб жавоб излашга рағбатлантирди. Бу бошланғич ташкилотлар умумий миқдорининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Кенгашларнинг ишида Сиёсий бюронинг аъзолари, КПСС Марказий Комитети, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетлари, жумҳурият, ўлка ва вилоят партия комитетларининг котиблари иштирок этдилар.

Зонал кенгашлар давомида тўпланган бой материал КПСС Марказий Комитети Котибиятининг мажлисида ҳар томонлама пухта муҳокама қилинди. КПСС Марказий Комитети ташкилий бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Ю. И. Рижов хабар қилганидек, кенгашларда ўртага қўйилган масалаларни таҳлил этиш бу кенгашлар иштирокчиларини ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ бошланғич ташкилотларнинг ҳуқуқий аҳволи, хўжалик, ишлаб чиқариш ишларини ҳал этишда иштирок этиш, шунингдек, партия таркибини барқарорлаштириш ташвишлантираётганини кўрсатди.

Бугунги кунда хусусан ўткир, долзарб бўлган ана шу муаммолар теварагида қизғин фикр алмашиш олинди. Унда КПСС Марказий Комитетининг котиблари А. Н. Гиренко, В. А. Купцов, В. М. Фалин, Г. В. Семёнова, О. С. Шенин, КПСС Марказий назорат комиссияси раиси вазифасини бажарувчи Е. Н. Махов, КПСС Марказий Комитети иш бошқарувчиси Н. Е. Кручина қатнашдилар.

Кейинги вақтларда бир қанча жойларда муҳолиф кучлар партия комитетларини корхоналар ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш тўғрисида қилган талаблари, умуман партия ташкилотлари КПСС муҳолифлари хоҳлаганидек, жамоалардан кетиши керак, деган маънони билдирмайди. «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги 1990 йил 9 октябрда чиқарилган СССР Қонунида сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг фаолияти улар аъзоларининг ишдан бўш вақтида амалга оширилиши ва бу ишлар мазкур бирлашмалар ҳисобидан қилиниши назарда тутилган. Бошқа бирон-бир чеклашлар, шу жумладан, корхоналар ва муассасаларда сиёсий партиялар тузиш ва бу партияларнинг фаолиятини тақиқлаш тадбирлари Қонунда кўзда тутилмаган. КПССга келганда, партия ташкилотлари тузилишининг ҳудудий-ишлаб чиқариш асосини мустаҳкамловчи унинг Уставини СССР Адлия вазирлиги рўйхатдан ўтказган ва у қонуний кучга эгадир. Бу ишнинг ҳуқуқий томонидир ва уни барча коммунистлар билиши керак. Демак, давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотларида партия ташкилотларини тақиқлашга бўлаётган уринишлар конституциявий қонунчиликка ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга зиддир.

Мажлисда сўзга чиққан кишилар жойларга сафар қилиб, минтақа кенгашлари ишида қатнашиб олган таассуротларига асосланиб, баъзи бошланғич партия ташкилотларининг хўжалик, ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этишдан ўзини четга олганлиги уларнинг обрўсига жиддий путур етказганини ва меҳнаткашларнинг уларга нисбатан бўлган ишончини пасайтириб юборганини таъкидладилар. Шу сабабли вазиятни ҳисобга олиб, нафақат жамоалардаги ишлар аҳволига таъсир соҳаларини, айни вақтда шаклларини ҳам янгича белгилаб олиш муҳимдир. Корхоналарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ходимларни улар турмуш даражаси пасайиши хавфидан ҳимоя қилиш соҳасида фаолият дастурига эга бўлган партия ташкилотларигина ишонч қозониши мумкинлигига асосланиш зарур. Демак, бошланғич ташкилотлари ўзларига хос ёндашувлардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини, жамоаларнинг режалар ҳамда шартномавий мажбуриятларини бажаришдаги жавобгарлигини ошириш, меҳнаткашларга яхши пул топиш, жамоаларга эса ишлаб чиқаришни кучайтиришга имкон берадиган шарт-шароит яратишдаги ташкилотчилик мавқеини кучайтиришлари лозим.

Нотиқлар партия таркибини барқарорлаштириш тўғрисида гапириб, қуйидаги қонуний ҳолни алоҳида таъкидладилар: партия ташкилоти қаердаки ишлаётган, қаердаки унинг овози эшитилаётган бўлса, одатда ўша ерда партиядан чиқишлар кам бўлмоқда, одамлар КПССга қабул қилинмоқда. Бу ўринда бошланғич партия ташкилотлари тутган йўлга кўп нарса боғлиқдир. Шундай мисол келтирилди: 1990 йилда Ўзбекистон ва Тожикистон бошланғич партия ташкилотларида партияга қабул қилинганлар сони партиядан чиққанларга нисбатан анча кўпдир. Ушбу тамойил бу йил ҳам сақланиб қолди. Литва ССР жамоа хўжаликларининг бирида 1990 йилнинг июлида партия ташкилоти қайта тикланган ва у аввалгига тўрт коммунистдан иборат бўлган эди. Ҳозир коммунистлар ниҳоятда оғир сиёсий муҳитда ишлашларига тўғри келаётганига қарамай, у ўз сафига яна 11 кишини, асосан ёшларни қабул қилди.

Муҳокама натижасида қарор қабул қилинди. Унда минтақа кенгашлари якунларига асосланиб, бошланғич партия ташкилотларининг янги шароитдаги фаолиятининг устун йўналишлари аниқланди.

Марказий Комитет Котибияти Удмуртия жумҳурият партия ташкилотининг минтақа корхоналарида мудофаа саноатини конверсиялаш давлат дастурини амалга ошириш ва ишлаётганларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлашга ёрдам беришга доир ишини муҳокама қилди. Мазкур масала юзасидан сўзга чиққан КПСС Марказий Комитети котиблари В. М. Фалин, Б. В. Гидаспов, Е. С. Строев, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Ю. А. Прокофьев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Президенти ҳузуридаги Мудофаа Кенгаши Раисининг ўринбосари О. Д. Бакланов Удмуртия партия ташкилотлари конверсия жараёнига кўрсатаётган катта сиёсий таъсирини таъкидладилар. Котибият Удмуртия жумҳурият партия комитетининг мазкур йўналишдаги фаолиятини маъқуллади ва уни бошқа партия комитетлари фойдаланиш учун тавсия этди.

Мажлисда КПСС ичида ахборот алоқаларини яхшилаш, ахборотни қайта ишлаш марказидан янада самаралироқ фойдаланиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг илгари Қорақалпоғистон жумҳурият комитетида коттиб—деҳқончилик сиёсати масалалари бўлимининг мудири бўлиб ишлаган Д. Н. Шамшетовни Қорақалпоғистон жумҳурият партия комитетининг биринчи котиби этиб тайинлаш тўғрисидаги; РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг илгари КПСС Кабарда—Балқария вилоят комитетининг иккинчи котиби бўлиб ишлаган Б. М. Зумақуловни Кабарда-Балқария жумҳурият комитетининг биринчи котиби этиб тасдиқлаш тўғрисидаги; Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг илгари Могилев вилоят партия комитетининг иккинчи котиби бўлиб ишлаган В. А. Поповни мазкур вилоят партия комитетининг биринчи котиби этиб тайинлаш тўғрисидаги; Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг илгари Фрунзе шаҳар Ленин район партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган А. Д. Сулаймонқуловни Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби этиб тасдиқлаш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг Матбуот маркази.

«ГЛАСНОСТЬ» ҲАФТАЛИГИНИ ЎҚИНГ

ОШКОРАЛИК ДАРАЖАСИ ҚАНДАЙ?

Бу ҳақда билиб бормоқчи бўлсангиз, КПСС Марказий Комитети ўтган йилк таъсис этган «Гласность» ҳафталигини ўқиб боришни маслаҳат берамиз. Партия XXVIII съезди арафасида биринчи сони чиққан бу ижтимоий-сиёсий нашрнинг бир галги чиқиши юз минг нусхадан қисқа вақтничида 380 минг нусхага етди. Бунинг сири нимада?

Гап шундаки, ҳафталик таҳририяти аввал бошда тўғри, ҳолис ва ҳар томонлама ахборот беришни ўз фаолиятининг қоидасига айлантирди. «Гласность» КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ва Котибияти, Федерация кенгаши, ҳукумат ва унинг муассасалари, барча бўғиндаги Шўроларнинг фаолияти ҳақида ҳикоя қилиб боради.

КПССда янгиланиш жараёни, бу соҳада фаоллик кўрсатаётган коммунистлар иши, янги партиялар, жамоат ҳаракатлари, гуруҳлари ва уларнинг етакчилари, миллий ва миллатлараро муносабатларнинг долзарб муаммолари, мамлакатимиз ва чет давлатлар сиёсати, иқтисодиёти, ижтимоий ва маънавий ҳаётидан материаллар берилмоқда. Йил охирига қадар ҳафталик саҳифаларидан мамлакатимиз ва хорижда рўй бераётган воқеалар тўғрисида таниқли қаламкашларнинг шарҳлари, социологик тадқиқотлар натижалари, муҳим статистика маълумотлари ҳам ўрин олади. Жамиятимизнинг турли қатламларида содир бўлаётган нохуш жараёнлар, ҳозир танқиддан четда қолаётган ҳудудлардаги воқеаларга ҳам баҳо бериб борилади.

Ҳафталикда тарихий материаллар, Сталин, Троцкий, Бухарин, Андропов, Ежов ва ўтмишдаги бошқа намояндаларнинг шахсий архивларидан саҳифалар, ҳозир қараб чиқилаётган эски архивлардан топилаётган ҳужжатлар эълон қилиб борилади.

Ҳафталикка ҳамма жойда ёзилиш мумкин. Нашрнинг индекси 50018. Ҳар бир сонининг баҳоси 15 тийин. Уч ойга 1 сўм 95 тийин, 6 ойга эса 3 сўм 90 тийин.

МЕЪМОРЛАР УЮШМАСИ БОШҚАРУВИНИНГ ПЛЕНУМИ

Жумҳурият Меъморлар уюшмаси бошқарувининг бўлиб ўтган пленумида Ўзбекистон меъморларининг XIII съездига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Бўлажак съездда «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисидаги» Қонунга мувофиқ уюшманинг ҳуқуқий мақоми белгилаб олиниши керак.

Пленум Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси Низомномасининг лойиҳасини кўриб чиқди ва уни муҳокама қилишни бошланғич ташкилотларга тавсия қилди. Ноябрь ойида ўтказилиши режалаштирилган съездга сайланадиган депутатлар нормаси тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Тошкентдаги «Зенит» заводи меҳнат жамоаси халқ истеъмоли буюмларн ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳаракат қиляпти. Шу мақсадда бир қанча цех ва участкалар кундалик эҳтиёжбоп маҳсулотлар тайёрлашга ўтказилмоқда. Ҳозир бу цехларда замонавий технология ускуналари ўрнатилиб, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқарилляпти.

Суратда: халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаш цехи бошлиғи Б. Комилов (чапда), радиомонтажчилар Д. Амелин ва Х. Камоловлар янги маҳсулотни синовдан ўтказишмоқда.

Т. КАРИМОВ олган сурат.

СССР Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 31 май қарори 313-сон

НАРХЛАР ИСЛОҲ ЭТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ КОМПЛЕКСИ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҚЎШИМЧА ХАРАЖАТЛАРИ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ УЧУН 1991 ЙИЛДА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАШ ТЎҒРИСИДА

Улгуржи ва чакана нархлар ошиши муносабати билан деҳқончилик-саноат комплекси корхоналари ва ташкилотларининг, деҳқон (фермерлик) хўжаликлари қўшимча харажатларининг ўрнини қоплаш учун компенсация тўлаш ҳамда уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш учун иқтисодий шарт-шароит яратиш мақсадида СССР Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1991 йил 1 июлдан бошлаб деҳқончилик-саноат комплекси корхоналари ва ташкилотларини иқтисодиётни барқарорлаштириш бюджётдан ташқари фондларига улар ижтимоий суғурта ажратмалари ҳисобидан тўлаётган тўловлардан озод қилиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

СССР Президентига мазкур масала юзасидан Фармоннинг тегишли қоидаларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар киритилсин.

2. СССР Иқтисодиёт ва истиқболни аниқлаш вазирлигининг, СССР Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирлигининг, СССР Давлат озиқ-овқат ресурсларини харид қилиш комитетининг ва жумҳуриятлар ҳукуматларининг жамоа, давлат хўжаликлари ва деҳқончилик-саноат комплекси бошқа корхоналари ҳамда ташкилотлари, деҳқон (фермерлик) хўжаликларининг 1991 йил 15 июндан бошлаб парранда ва тухумни, жун ва чарм хом ашёсини, шу йил етиштирилган тамаки, махорка ва чой хом ашёсини давлатга шартнома нархларида сотишга тўлиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин. Уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар ҳам шу тартибда сотилади.

3. СССР Давлат озиқ-овқат ресурсларини харид қилиш комитетининг жамоа ва давлат хўжаликларига ҳамда бошқа истеъмолчиларга сотиладиган омихта ем нархларини 1991 йил 15 июндан бошлаб ўртача 30 фоиз пасайтириш тўғрисидаги республикалар қўллаб-қувватлаган таклифи қабул қилинсин. Давлат омихта ем саноати корхоналари янги ва илгари амал қилган сотув нархлари орасидаги тафовут ўрнини бюджет маблағи ҳисобидан жумҳуриятлар ҳукуматлари белгилаган миқдорда ва тартибда қоплайди.

4. Мамлакатнинг бир қанча минтақаларида чакана нархлар оширилиши туфайли ходимларга компенсация тўлаш билан боғлиқ харажатлар ўрнини қоплаш манбалари тўғрисидаги масала ҳал этилмаганлиги таъкидлансин. Натижада кўпгина хўжаликлар муракаб молиявий аҳволга тушиб қолган ва шундай тўловларни ўз вақтида амалга оширмаяпти.

СССР Молия вазирлиги жумҳуриятлар ҳукуматлари билан биргаликда жамоа хўжаликларига (шу жумладан, балиқчилик хўжаликларига), давлат хўжаликларига ва деҳқончилик-саноат комплексининг бошқа қишлоқ хўжалик ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналарига ва ташкилотларига улар компенсация тўлаш учун сарфлаётган харажатлар ўрнини жумҳуриятларда қабул қилинган миқдорда қоплаш юзасидан шошилинч чоратадбирлар кўрсин.

5. Жамоа хўжаликларига (шу жумладан, балиқчилик хўжаликларига), давлат хўжаликларига ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларига қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 30 фоизгача бўлган қисмини шартнома нархларида сотишга, тайёрлов ташкилотлари эса бу маҳсулотни контрактация шартномаларида кўзда тутилган ҳажмлар ҳисобига сотиб олишига рухсат берилсин.

Тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари ҳамда ташкилотлари шартнома нархлари асосида сотиб олган маҳсулотни республика ва Иттифоқ фондларига, шунингдек, маҳаллий таъминотга етказиб бериш бу маҳсулотни ушбу истеъмолчиларга етказиб бериш ҳажмларига мос ҳолда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. Жамоа хўжаликларига (шу жумладан, балиқчилик хўжаликларига), давлат хўжаликларига ҳамда деҳқончилик-саноат комплексининг бошқа корхоналари ва ташкилотларига жумҳуриятлар қурилишнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари янги харид нархларида ҳисобга олинган миқдордан ортиқ смета нархларини қайта ҳисоблаб чиқиш коэффициентларини жорий этиши муносабати билан капитал қурилиш қимматлашганлиги учун компенсация тўлаш мақсадга мувофиқ деб топилсин. Компенсацияни аниқ қаерда ва қандай таъминлаш мақсадида республикалар ҳукуматларига компенсацияни деҳқончилик-саноат комплекси корхоналари ва ташкилотларига қурилишнинг амалдаги ҳажми учун у қай даражада бажарилаётганлигига қараб бевосита бюджет ажратмалари йўли билан тўлаш тавсия этилсин.

7. Жамоа хўжаликлари (шу жумладан, балиқчилик хўжаликлари), давлат хўжаликлари ва қишлоқ хўжалигининг бошқа корхоналари ва ташкилотлари ижтимоий ҳамда ишлаб чиқариш базаларини мустаҳкамлаш учун у тижорат солиғидан бюджетга тўловларни ва ишлаб чиқаришдан ташқари эҳтиёжлар учун фойдаланилган моддий-техника ресурслари (ишлар, хизматлар), шунингдек, асосий фондларга тааллуқли сотиб олинган ишлаб чиқариш воситалари учун тўланган тижорат солиғи миқдорича камайтириши белгилаб қўйилсин.

8. Жумҳуриятлар ҳукуматлари банклар билан биргаликда энг муҳтож жамоа хўжаликларига (шу жумладан, балиқчилик хўжаликларига), давлат хўжаликларига, деҳқон (фермерлик) хўжаликларига моддий-техника ресурслари, чорвачилик ва паррандачилик учун озуқа сотиб олиш, шунингдек, энг муҳим қишлоқ хўжалик ишларини бажариш учун имтиёзли қарзлар бериш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилсин.

9. Деҳқончилик-саноат комплекси учун моддий-техника ресурслари ишлаб чиқарувчи корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг диққат-эътибори қишлоқ жойларда товар ишлаб чиқарувчиларга нисбатан тазйиқ ўтказилишига, нархларни ошириб юбориш, танқис қишлоқ хўжалик маҳсулотларини таъмагирлик билан олиш учун якка ҳокимликдан фойдаланишдек оммалашган ҳолларга йўл қўйиб бўлмаслигига қаратилсин. Бундай фактлар СССР ҳукумати озиқ-овқат таъминотини барқарорлаштириш юзасидан олиб бораётган ишга зиддир.

Жумҳуриятлар ҳукуматлари нарх қўйишнинг белгиланган тартибига амал қилинишига, нархлар ва тарифлар қўлланилишига талабчанликни оширсин, деҳқончилик-саноат комплексига моддий-техника ресурслари етказиб беришда давлат нарх интизомини бузган мансабдор шахсларни қатъий жавобгарликка тортсин.

Давлат нарх белгилаш идоралари ва нархларни (ўз ваколатларига мувофиқ) назорат қилувчи идоралар уларга деҳқончилик-саноат комплексига етказиб берилаётган маҳсулотнинг ошиқча нархларини, жумладан, шартнома нархларини бекор қилиш юзасидан берилган ҳуқуқдан тўла фойдалансин. Нарх белгилаш тартиби қўпол равишда ва бир неча бор бузилган ҳолларда корхоналар ва ташкилотлар шартнома ҳамда мустақил белгиланадиган нарх ва тарифлар қўллаш ҳуқуқидан маҳрум этилсин. Корхоналар ва ташкилотлар маҳсулот нархини ошириб юборган ҳолларда маҳсулот истеъмолчилари тўлаган ортиқча пул қайтариб берилсин, маҳсулот етказиб берувчилар ғайриқонуний равишда олган фойда бюджет ҳисобига ўтказиб юборилсин, шунингдек, улардан белгиланган тартибда жарима олинсин.

10. СССР Давлат ҳисоб комитети СССР ҳукуматига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархи билан саноат маҳсулотларининг улгуржи нархлари нисбатидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни кечикиб ва етарлича таҳлил қилмасдан тақдим этаётганлиги таъкидлансин. Бу нархларда тенглик бўлишини сақлаб туриш юзасидан ўз вақтида тегишли чоратадбирлар кўриш учун имкон бермаяпти.

СССР Давлат ҳисоб комитетидан 1991 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари нархлари даражаларидаги ўзгаришларни ҳар уч ойда давлат томонидан ҳисобга олиш системасини жорий этиш талаб қилинсин. СССР ҳукуматига қишлоқ хўжалиги билан халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ўртасидаги айирбошлашлар чоғида келиб чиқаётган номутаносибликлар сабаблари таҳлил қилинган ахборот бериб турилсин.

11. СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги вазирлиги, СССР Давлат машинасозлик комитети, СССР Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирлиги ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникасининг сифати ва пишиқлигини яхшилаш ва шу тариқа яқин вақт ичида ундан фойдаланиш муддати камида икки йил узайишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин. Деҳқончилик-саноат комплексининг эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжини қондириш тўғрисидаги масала сира кечиктирмай кўриб чиқилсин, бунда эҳтиёт қисмлар етишмаслиги туфайли техника бекор туриб қолишини бартараф этиш назарда тутилсин.

СССР Иқтисодиёт ва истиқболни аниқлаш вазирлиги, СССР Молия вазирлиги манфаатдор ташкилотлар иштирокида 1991 йил IV чорагида СССР Вазирлар Маҳкамасига қишлоқ хўжалиги техникаси учун амортизация ажратмаларининг ундан фойдаланишнинг узайган муддатлари ҳисобга олинган меъёрларини аниқлаш тўғрисида таклифлар киритсин.

СССР Бош вазири
В. ПАВЛОВ.
СССР Вазирлар Маҳкамасининг иш бошқарувчиси
И. ПРОСТЯКОВ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ БАЁНОТИ

Ленинград Совети Ленинград номини Санкт-Петербург деб ўзгартириш тўғрисида 12 июнда референдум ўтказишни белгилади.

Совет кишиларининг кўп авлодлари, Ленинград коммунистлари учун бу харитадаги шунчаки бир жуғрофия нуқтаси эмас. Бу инқилоб рамзидир, жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчиси бўлган инсонга ҳурмат белгисидир. Ленинград ва ленинградликлар 900 кеча-ю кундуз давом этган фожиали қамалда мардлик ва матонатлари билан бутун дунёни ҳайратга солдилар.

Ҳозир ҳам Ленин шаҳри — порлоқ ва аччиқ саҳифалари билан бирга бизнинг жонли тарихимиздир, уқубатимиз ва умидимиздир. У ҳалоқ бўлганлар ва тирикларнинг шаҳридир, у бутун мамлакатнинг, бутун совет халқининг шаҳридир.

Шу кунларда партия марказий идораларига, оммавий ахборот воситаларига коммунистлардан, сиёсий қарашлари, ёши ва миллати турлича бўлган одамлардан жуда кўп хатлар келмоқда. Тарихимизнинг совет даврини ўчириб ташлашган, Ленин номига доғ туширишга уринаётган кишиларнинг маънавий гаранглиги, очиқдан-очиқ ҳаёсизлиги уларнинг ғазабини қўзғатмоқда.

Инсоний қонунларни менсимасликка, миллионлаб совет кишиларининг хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашмасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, СССР Советларининг иккинчи Съезди совет кишиларининг хоҳиш-иродасини бажариб, Нева бўйидаги шаҳарга Ленин номини берган эди.

Ленинград номини ўзгартириш теварагида бошланган сиёсий лўттибозлик — муайян кучларнинг ҳозир кўзга ташланиб қолган жамиятнинг жипслашиш жараёнини барбод қилишга, қарама-қарши туришнинг янги даврасини бошлашга, халқни энг муҳим муаммоларни ҳал этишдан чалғитишга уринишдир.

Биз коммунистларни, барча соф виждонли кишиларни Ленинград шаҳри номини ўзгартиришга донр номуносиб тадбир ташкилотчиларига қатъиян **йўқ** деб жавоб қилишга чақирамиз.

СССР ва РСФСР Олий Кенгашлари, шунингдек, мамлакат Президенти ҳам ўз фикрини айтади, деб умид қиламиз.

ФАРМОН ВА ИЖРО

ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҚИММАТ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Кўп болали оналарга алоҳида эътибор бериляпти. Фақат нафақа миқдорини ошириш ҳисобига 1990 йилнинг иккинчи ярим йиллигида 32,1 мингта кўп болали онага 430 минг сўм тўланди. Уларнинг боғчалардаги ва мактаблардаги болалари бепул овқатланишади, мактаб формаси ва бошқа мақсадлар учун моддий ёрдам кўрсатилади.

ФАХРИЛАР ВА БАЙНАЛМИЛАЛЧИЛАР ЭЪЗОЗДА

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва байналмилал жангчилар ҳам эътибордан четда эмаслар. 1990 йилда вилоят бўйича уларга 886 та квартира берилди, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларидан уч юз ўттиз нафарининг турар-жой шароити яхшиланди, етти юзта квартирага телефон ўрнатилди. Уруш иштирокчиларидан етмиш саккиз нафарининг уйи ремонтдан чиқарилди.

Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги муносабати билан уч ярим минг Улуғ Ватан уруши қатнашчисига 180,1 минг сўмлик совға-саломлар топширилди. Вилоятнинг масъул ходимлари Улуғ Ватан урушининг 308 ногиронига бириктириб қўйилган. Ҳалок бўлган ўттиз байналмилалчи жангчи вилоят корхоналарининг фахрий аъзолигига қабул қилинган, уларнинг оилаларига юз-юз эллик сўмдан маош тўлаш белгилаб қўйилган. Худди шундай ёрдам 14 нафар байналмилал жангчига ҳам кўрсатиляпти. Жиззах шаҳрида байналмилал жангчилар хотирасига бағишланган ёдгорлик ўрнатишга қарор қилинган.

«Прогресс» кооперативи (раҳбари Р. Ҳикматулин) ёдгорлик қурилишига 120 минг сўм ажратди.

Ҳарбий хизмат муддатини ўташ чоғида ногирон бўлган ёки ҳалок бўлганлар оиласи квартира ҳақидан озод этилганлар, уларнинг якка тартибда уй-жой қурилишларига 1,1 миллион сўмлик ссуда ажратилди.

ДАСТУРХОН ТЎКИНЛИГИ

Вилоятда аҳоли шахсий хўжаликларини ривожлантиришга, улар томонидан чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга, барча озуқа турларини ажратишга ҳам катта эътибор бериляпти. Қурилиш материаллари билан таъминлаш масалалари ҳам ижобий ҳал этиб борилмоқда. Баҳмал районида (район партия қўмитаси биринчи котиби И. Хожиев) ана шу мақсадлар учун фақат кейинги тўрт ой ичида 760 кубометр ёғоч, 14,6 мингта шифер, 150 тонна цемент ажратилди. Булар ўз самарасини беряпти. 1991 йилнинг тўрт ойида 70 тонна гўшт, беш юз тонна сут топширилди. Зарбдор районида (район партия қўмитаси биринчи котиби А. Турдиқулов) 416 тонна гўшт, икки юз тоннага яқин сут топширилди. Фақат «Заря» кооперативи (раиси П. Клименко) 49 тонна чўчқа гўшти, «Темур» деҳқон хўжалиги (бошлиғи Х. Қўзиев) 55 тонна гўшт, 21 тонна сут, «Лесник» акционер жамияти (раиси У. Маматқулов) 1990 йилда 184 тонна гўшт, 12 тонна сут топширди.

Вилоятда фермерлар ва деҳқон хўжаликлари сони ортиб бораётир. Бугунги кунда уларнинг сони 425 тага етди. Ўтган давр мобайнида улар 440 тонна гўшт, 1000 тонна сут етиштирдилар.

Ўзбекистон ССР Президенти Фармонига кўра, 1990—1992 йиллар мобайнида вилоятда 507 километрли водопровод тармоғи қурилиши, 579 километрли газ қувурлари ўтказилиши, шундай қилиб, ўн бир минг қишлоқ аҳолиси табиий газ билан таъминланиши керак. Тўрт ой ичида 26 километрли водопровод қурилди. Режа 154 фоиз қилиб адо этилди. Ўттиз олти километрли газ қувури ўтказилди. Режа 119 фоиз қилиб бажарилди. Мамлакатнинг бошқа минтақаларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари алмаштириш ҳисобига сув ва газ қувурлари олиш йўллари кидириляпти. Масалан, «Сургуттрудопроводстрой» бошқармаси билан 1991 йилда 194 километрли водопровод тармоғи қуриш ҳақида шартнома тузилди. Ҳозирги шароитда фақат ана шундай йўллар билан юқоридаги ишларни муваффақиятли амалга ошириш мумкин.

ҚЎШИМЧА МАНБАЛАР

Бозор иқтисоднёти, нарх-наво ошган шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласига жиддийроқ муносабатда бўлиш талаб этилмоқда. Вилоятда апрель ойида олтмиш сўм компенсация ва болаларга нафақа тўлаш ўттиз саккиз миллион сўмни ташкил этди, пенсионерларга тўрт ярим миллион сўм товон тўланди. Бу тадбирлар бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли эҳтиёжларини тўла қондира олмасликларини ҳисобга олиб, вилоят районлари корхоналарида ва хўжаликларида қўшимча манбалар қидириб топилмоқда.

Вилоятнинг жамоа ва давлат хўжаликлари, ташкилотлари ва корхоналари олти мингга яқин кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, пенсионерларга ҳар ойда нафақа ва пенсияларга қўшимча тўлаш учун 1258 минг сўм ажратдилар.

Ўтган йили «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси уч юз ўттиз бир оилага моддий ёрдам кўрсатди. Икки нафар ногиронга бепул коляска берилди. Тўрт ой ичида эллик тўрт оилага қирқ минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Ғаллаорол районидаги В. И. Ленин номли давлат хўжалиги кўп болали Норхол Ўринбоева оиласига сигир бузоғи билан, шунингдек, кам таъминланган ва Улуғ Ватан уруши қатнашчилари оилаларига ўн саккизта сигир бузоғи билан топширилди.

Вилоятда Ўзбекистон ССР Президентининг томорқа участкалари ҳажмини ошириш тўғрисидаги Фармони ижроси қандай бўлмоқда, деган саволга шундай жавоб олиш мумкин: 1991 йил биринчи январгача 90,4 минг оилага йигирма бир минг гектар ер ажратилди. Бу ҳар бир оилага ўртача 0,24 гектардан тўғри келади. 1991 йилда эса 4,6 минг оилага 3,1 минг гектар ер берилиши керак.

ИЗЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Шуни айтиш лозимки, вилоятдаги хўжаликларда, корхоналарда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари турли йўллар ва усуллар билан ҳал этиб борилаётир. «Джизактранс» ишлаб чиқариш бирлашмасида (бошлиғи В. К. Думлер) йил давомида етти юзга яқин кишини ўзида қамраб оладиган эллик ўринли профилактория ишлаяпти. Ходим учун путевка йигирма икки сўм, оила аъзолари учун ўттиз икки сўм туради.

Зомин бадиий буюмлар фабрикасининг (директори Т. Толипова) йигирма гектарлик ёрдамчи хўжалиги бўлиб, йигирма бош қорамоли бор. Мева, сабзавот етиштирилади. Булар корхонада текин овқатни ташкил этиш имконини бермоқда. Етиштирилаётган маҳсулотлар фабрика дўконида бозордагига нисбатан икки-уч баробар кам нархда харид қилинади.

Ғаллаорол районидаги Ғафур Ғулом давлат хўжалигида (директор Х. Маматқулов) тўрт ой ичида ўн беш минг аҳолига саккиз юз эллик тонна буғдой сотилди. Мазкур райондаги Ленин номли давлат хўжалигида (директори А. Қораев) совхоз ишчиларига ўз шахсий молларига бериш учун бир минг гектар ердаги ўтни ўриб олишга рухсат берди. Ем-хашакларни ташиб олиш учун транспорт ажратилди.

Баҳмал районида етмиш тўққиз нафар ва Ғаллаорол районида эса олтмиш нафар фермер бор. Баҳмал районидаги фермер Муродқосим Дўсанов фермасида ўттиз беш қорамол бор. У биринчи кварталда саккиз тонна сут, бир ярим тонна гўшт топширди. Ферма механизациялашган.

Дўстлик районидаги Қ. Раҳимов номли давлат хўжалигида (директори Қ. Қамбаров) совхоз ҳисобидан якка тартибда уй-жой қурувчи ишчиларни қизиқтириш мақсадида элликта участкада планировка ва уй пойдеворини қуриш ишлари амалга ошириляпти. Кейинчалик бу уйлар ишчиларнинг шахсий мулки бўлиб қолади. Совхозда йигирма олти кишидан иборат қурилиш-ремонт участкаси ташкил этилган. Зарур бўлган пайтда совхоз якка тартибда уй қурувчиларга ссуда ҳам ажратади. Ишчиларнинг ёрдамчи хўжаликларига бузоқлар, қўзилар, жўжалар, хўжалик баҳосида ем-хашак берилади.

Дала шийпонларида ишчилар тўғрисида ғамхўрлик қилинади. Ҳар бир дала шийпони ёнидаги бир гектарли ерда сабзавот, мева етиштирилади. Бу ерларда жамоа (бригада)нинг ўз қорамоли ва паррандаси бор. Сабзавотларни сақлаш учун унча катта бўлмаган омборхоналар қурилган. Буларнинг ҳаммаси ишчиларнинг текин овқатини сифатли ташкил этиш имконини беради. Хўжаликда тегирмон, гилам цехи қуриляпти. Терини қайта ишлаш йўлга қўйилган. Натижада саксондан ортиқ қўшимча иш жойи ташкил этилади.

Жиззах шаҳрида ҳар бир қишлоқ районининг ўз фирма магазини барпо этиляпти. Бу ерда шаҳарликларга турли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Магазинлар август ойидан бошлаб ишга туширилади.

Вилоятнинг барча районларида, аҳоли пунктларида миллий расм-русумлар ва анъаналарни ўтказиш комиссиялари самарали ишлаб турибди. Шу мақсадлар учун ўттиз иккита ихтисослашган магазин ташкил этилган. Фориш районида овқат тайёрлаш бўйича семинар бўлиб ўтди. Унда юздан зиёд гўштсиз миллий таомлар тайёрлаш намойиш этилди. Шунингдек, спортнинг юздан ортиқ миллий турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Иштиёқ, ҳаракат, қунт бўлса, ҳамма нарсанинг эвидан чиқиш мумкин. Айниқса, халқ учун хизматдан эринмаслик, чарчамаслик энг муҳимдир.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Гулистонда Сирдарё вилоят партия ташкилоти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди қарорлари асосида меҳнат жамоаларида ва аҳоли яшайдиган жойларда маф. куравий ҳамда снёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш юзасидан вилоят партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди. Сирдарё вилоят партия комитетининг котиби С. Д. Давлатова маъруза қилди. Муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Йиғилиш иштирокчилари Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ районида яқинда юз берган воқеаларни ҳам муҳокама қилиб, экстремистларнинг хатти-ҳаракатларини қораладилар.

Йиғилишда Ленинград номини ўзгартириш тўғрисидаги масала муҳокамаси юзасидан халқ депутатлари Ленинград шаҳар Советига ва бутун шаҳар аҳолисига мурожаатнома қабул қилинди.

ВИЛОЯТ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Советининг сессияси бўлди. Вилоят аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, озиқ-овқат ресурсларидан тўғри фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди.

Депутатлар фуқаролар, колхозчилар ва совхоз ишчилари шахсий ёрдамчи хўжаликларини, якка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантиришга доир қарорлар қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилдилар.

(ЎзТАГ).

«Совет Ўзбекистони» ижрони текширади

ҲАМЖИҲАТЛИК

СОВЕТОБОД — АНДИЖОН СУВ ИНШООТИ ҚУРИЛИШИДАН ДАСТЛАБКИ ДАРАК

Ўз вақтида эътибор берилмагани натижасида ҳозиргача жумҳуриятимизнинг кўпгина қишлоқлари тоза ичимлик сув билан таъминланмаган. Хайрият, жумҳурият ҳукумати ўтган йилдан бошлаб бу муаммони ҳал қилишга жиддий киришди. Жумҳурият Президентининг қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги Фармони асосида жойларда тегишли тадбирларни бажаришга киришилди.

Жумладан, Андижон вилоятида ҳам муҳим халқ хўжалиги қурилиши — «Советобод — Андижон» сув иншоотини барпо этиш ўтган йилиёқ бошлаб юборилди. Узунлиги 70 километрли мазкур сув йўлини қуришдан мақсад вилоят маркази ва унга ёндош аҳоли пунктларини ичимлик сув билан таъминлашдан иборат. У бир кеча-кундузда 200 минг куб метр сувни истеъмолчиларга етказиб беришга мўлжалланган.

Албатта, бундай йирик сув иншоотини қуриш анчагина маблағ талаб этади. Бу ерда биргина қурилиш-монтаж ишларининг ўзига 90 миллион сўмлик маблағ ажратилган. Ҳозиргача унинг 23 миллион сўми сарфланди. Бу йилги қурилиш ишлари ҳажми эса 24,6 миллион сўм қилиб белгиланди.

— Аҳоли эҳтиёжи учун ўта зарур бўлган ушбу гидротехника иншоотини барпо этишни жумҳурият Давлат қурилиш комитети бизнинг жамоамиз зиммасига юклаган, — дейди «Узтрансспецстрой» ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи ўринбосари Е. Маковецкий. — У 1993 йилгача тўлиқ ишга туширилади.

Бу сув йўли Кампирравот сув омборидан бошланади. Қувур ётқизиш ишларини «Андижонспецстрой» бошқармаси ва бирлашманинг 6 та бўлинмаси олиб боради. Умумий комплекс ишларни эса жумҳурият Қурилиш вазирлигига қарашли 162-трест бунёдкорлари бажаришади. Хуллас, вазифалар аниқ. Уни Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берган. Жумладан, бу йилги тадбирлар дастурида объектнинг биринчи навбатини тугаллаш, пудратчиларни 1992 йил учун қурилиш материаллари фонди билан таъминлаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон ССР Иқтисодиёт қўмитаси шунга асосланиб, сув иншооти қурилишига диаметри 1420 миллиметр бўлган 23 минг тонна пўлат ҳамда 2 минг тоннадан зиёд турли хил диаметрдаги қувурлар, 86 тонна пайвандлаш электродлари, 1200 тонна пўлат қуйилмалари ва бошқа қурилиш материаллари етказиб бериш масаласини ҳал қилди.

«Узбекконструкция» ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси объекти темир-бетон конструкциялари билан тўла таъминлашни, «Узстройтранс» эса 40 минг тонна юк ташиб беришни ўз зиммаларига олди. Бундан ташқари, автотранспортчилар бирлашмаси қурувчиларга уларни объектга ва ўз уй-жойларига ташиш учун лимитдан ташқари 6 та автомашина ажратди. «Советобод — Андижон» сув йўли иншоотини барпо этишда жумҳурият қурилиш вазирлиги механизация бошқармаси ҳам ўз ҳиссасини қўшадиган бўлди. Мазкур ташкилот қурувчиларга 8 та экскаватор, 5 та кўтарма кран, 4 та қувур жойлаш ва 25 та пайвандлаш агрегатларини ҳамда бошқа зарур ускуналарни келтириб берди.

Қувончлиси, бундай ҳамжиҳат ҳаракат самара келтирмоқда. Ҳозир объектда қурилиш ишлари жадал олиб бориляпти. Таъминотчилар ҳам ўз сўзларида туришяпти. Куни кеча диаметри 1420 миллиметрли пўлат қувурлар буюртмада белгиланган муддатда келтирилди. Ўнлаб жамиятнинг фаол аъзолари бўлиб етишдилар. Оғир уруш йиллари очарчилик, қаҳатчилик даврларида ўзбек халқи барчамизни боққан, бошимизни силаган. Шу пайтгача ёрбиродар бўлиб яшадик. Менинг она юртим Бошқирдистон, Ўзбекистон эса иккинчи она юртим.

Жамил ЛАТИПОВ.
Янгийўл райони.

Урганч шаҳрида меҳнат биржаси ташкил этилди. Чунки вилоятда 32 минг ишсиз бўлиб, вилоят марказида эса 2700 нафар киши ижтимоий меҳнатдан четда эди.

Янги хизмат йўлга қўйилгандан сўнг икки ой мобайнида 850 нафар киши ёрдам сўраб бу ерга мурожаат қилди.

Суратда: меҳнат биржасининг автоматик усулда бошқарув системаси бўлимида.

Қ. ОТАЕВ олган сурат.
(ЎзТАГ).

• *Назм дафтаридан*

УСТОЗНИ ЭСЛАШ

Кўнгли очиқ, меҳрибон, мумтоз,
Содда инсон эди Миртемир.
Ёшларга энг севимли устоз,
Бағри жаҳон эди Миртемир.
Ёзганларин яқин-йироқдан
Маслаҳатга йўлларди ёшлар.

Меҳр эмиб қайноқ юракдан
Таҳририни топарди машқлар.
Шеъриятга ихлоси баланд
Қалам аҳли келса Марказга,
Сўрагандай машқига мадад
Учрашарди суюк устозга.
Уят эди ёмон шеър айтиш,
Ҳеч ким бунга қилмасди жазм.

Миртемирни кўрмасдан қайтиш
Эди гўё гуноҳи азим.
Ишхонада тугамай қолган
Шеър сўқбати кўчарди уйга,
Устоз дерди: ёзмагин ёлғон,
Мунофиқлар тушар бу кўйга.
Дилдан истар қаламкаш аҳли
Ёзганлари тез этилса чоп.
Мураббийсиз ижодкор аслн
Нақ отасиз ўсгандайин гап.

ТИРИКЛИК

Тириклик ҳикматлар ичра зўр ҳикмат,
Тириклик буюклик ичра буюкдир.
Ҳаёт ҳар нарсадан муқаддас, қиммат,
Мавжудлик — яратиш гўзал, суюкдир,

Умр, тирикликнинг йўриғи бошқа,
Ҳар қандай эзгулик келар қўлингдан,
Хоҳла, улуғларни кўтаргин бошга,
Хоҳла, Ватанингни севгин дилингдан.

Осмон гумбазининг остида ночор,
Ўкинма: «Тириклик бунчалар қийин».
Қуёшин қаршнла севиб ҳар сафар,
Ҳаёт юрганингга шукр қил, суюн!

Тушкунлик кишанин парчалаб агар,
Эрк сари бошласанг бир ғариб дилни,
Мангулик сен қалбда тиклаган шаҳар —
Озод қилгандайсан юз-юзлаб қулни,

Инсонсан, дилингни тирнайди баттар,
Аёл бадбахт бўлса, инграса гўдак,
Кексалар хўрланса, ўспирин бадкор...
Дўстим, тириклигинг бекордир мутлақ.

Жамн меҳрсизлар — тошдил ўликлар,
Тирикка саналмас хотирасизлар.
Манқуртлар — кўксида қалби сўнмклар
Ғарибдир, аянчдир — ғирт чорасизлар.

Ҳаёт, бу эзгулик учун курашдир.
Тириклик — севишдир, унутмасликдир.

Фаоллик, фидолик, вафо, бардошдир,
Тириклик — ҳалоллик, поклик, ростликдир.

Гар ишинг тирикдир, ҳимматинг тирик,
Амин бўл, қалбларда масканинг сенинг.
Ризқинг бутун, қадр-қимматинг тирик,
Бу буюк инсоний имконинг сенинг.

Меҳр оқибатга тўлган сийналар,
Юрагида ҳаёт ўти суюклик.
Шафқат фаришталн бўлган сиймолар
Сизга оқибатли, содиқ, тириклик.

Дўстингнинг бас қилгин кин-кудуратин,
Заррача айблама давр, ҳаётин,
Хатони нодон ҳам пайқайди, аммо
Унн тузатмоқлик мушкул муаммо.

Менга бузилганин тузганин кўрсат,
Элга ёрдам қўлин чўзганин кўрсат.
Кимки қилган бўлса юрт учун савоб
Халқ унн бир умр айлайди тавоф!

Яхшилик уруғин дилга экканни
Умрбод халқ қўшиқ қилиб куйлайди.
Ерга ҳаёт донин сочган деҳқонни
Сахий Ер мўл ҳосил билан сийлайди.

Дунёга ёмонлик кўзлаганларин
Қўшилиб лаънатлар бутун Ер юзи.
Ажал уруғини излаганларин
Ажабмас, қаршилар ажалнинг ўзи.

Қамбар ОТА.

ОБИДАЛАР ПАРВОНАСИ

Халқ амалий санъати усталари

Касбини мукаммал эгаллаган, бой тажрибага эга ишчини кўпинча ўз касбининг устаси деймиз. Ганчкор уста Расул Ибодов ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Зеро, у қарийб 40 йилдан зиёд умрини халқ меъморчилиги анъаналарини тиклашга, уни замонавий архитектура мўъжизалари билан бойитишга сарфлаб келмоқда.

Расул меъморчиликка дафъатан қадам қўйгани йўқ. У касб сир-асрорларини ўрганиш учун тинимсиз меҳнат қилди. Устози — ганчкорлик санъатининг моҳир билимдони уста Ширин Муродов ўгитларини сидқидилдан бажара бориб, чинакам амалий санъат намуналарини яратишга қодир истеъдодли ганчкорлар сафидан ўрин олди.

— Илк фаолиятимни Тошкентдаги Навоий номли Катта театр қурилишида бошлаганман, — дея эслайди Р. Ибодов. — Ўшанда дўстим Аҳмад Раҳматов билан уста Ширинга шогирд тушган эдик. Биз устага театр биносининг Бухоро залини безашда ёрдамлашдик. Ганч қориб, сув ташиб, секин-аста пардозлаш сирларини ўргандик.

Кейинчалик Муқимий номли театр, рус ёш томошабинлар театри, «Тошкент» меҳмонхонаси, Ҳамзаободда Ҳамза Ҳакимзода мақбараси, Тожикистоннинг Хўжанддаги Ворошилов номли колхозининг санъат саройини безашда, кўплаб клуб ва саройларга сайқал беришда устозимиз ёнида ишладик. Уста Ширин вафотидан кейин эса ҳар биримиз мустақил иш юрита бошладик.

Дарҳақиқат, 1957 йилдан кейинги давр мобайнида Р. Ибодов жумҳурият Маданият вазирлиги қошидаги қурилиш таъмирлаш бирлашмасида ганчкорлар бригадасига бошчилик қилди. У ва шогирдлари Тошкентдаги кўплаб обидаларга гўзаллик ва фусункорлик бахш этишди. Айниқса, 1966 йилги зилзиладан кейин ганчкорларнинг қўли-қўлига тегмади. Ўша пайтда Навоий ва Муқимий номли театрлардаги ганч гуллари кўчган, бир қисми синиб, тушиб кетган эди. Уста Расул устозларининг табаррук қўли теккан ганч гулларини қайтадан тиклади, ҳатто бинонинг баъзи залларини ўзига хос тарзда ижодий янгилади.

Шу-шу қўлига гоҳ қалампух, гоҳ минкор ушлаб, андозаларни ниҳоят чаққонлик билан ганчга кўчирди. Янги-янги нусхалар яратиб, ҳамкасблари эътиборини қозонди. У пойтахтимиздаги жуда кўпгина замонавий иморатларни Шарқ услубида нақш билан безади, қадимий обидаларни моҳирона таъмирлаб, уларга қайтадан жон ато этди. Жумладан, Ўрта Осиё темир йўли лойиҳалаш институти ҳамда Тошкент Давлат дорилфунуни маданият саройи ёшлар залини бетакрор қилиб пардозлади. «Кўқалдош», «Хасти-имом» мадрасалари ва бир қатор тарихий-маданий музейларни қайтадан таъмирлади. Айниқса, ганчкор яратган пахта чаноғи солинган — қўшлп ўлкамиз боғроғларини тасвирловчи «Ўзбекистон» нусхаси жумҳуриятимиздаги кўпгина музейлар ва жамоат бинолари залларида алоҳида жамол кўрсатди. Уста Тошкент метрополитени станцияларини безашда ҳам фаол қатнашди. Хуллас, у ганчкор уста сифатида ўз асарлари ила гўзалликни севишга, меросга айланган ҳар бир меъморчилик обидасини асраб-авайлашга ундамоқда.

Меъморчилик — бу ўтмиш санъатини авлодларга етказиш, халқ амалий санъати анъаналарини давом эттириб, янги замонавий архитектура билан қўшиб уйғунлаштириш, бойитиш демак. Жумҳуриятда миллий ва маданий қадриятлар тикланаётган бир пайтда бу халқ меъморлари зиммасига катта масъулият юкланяпти. Буни Расул Ибодов яхши тушунади, у меъморчилик муаммолари ҳақида куюниб гапиради, уни ҳал қилишнинг мукаммал йўлларини излайди.

— Тасаввур қилинг, — дейди у. — Бизни, кўпинча, Оврўподан, Ғарбдан андоза олишга, улар замонавий архитектураси намуналаридан фойдаланишга ундашади. Аслида оврўполиклар аллақачон Шарқ меъморчилигини мукаммал ўрганиб, уни ижодий ривожлантириш йўлига ўтиб олишган. Эндиликда меъёрни унутмаслигимиз лозим. Яъни Шарқ ва Ғарб меъморчилиги анъаналарини уйғунлаштирган ҳолда иш олиб бориш керак. Ана шундагина меъморчилигимиз мукаммал маъно касб этиши мумкин.

Ҳозир уста ёш меъморлар — ганчкорлар тайёрлаш ҳақида ҳам қайғуряпти. Жумҳурият Маданият вазирлигига қарашли «Меъмор» бирлашмасида у бошлиқ ганчкорлик бригадаси ташкил этилган. Бу ерда Расул аканинг ўғиллари Раҳмон ва Каримжонлар қатори ака-ука Аваз ва Бахтиёр Умаровлар ҳам қадимий касб сир-асрорларини ўрганишяпти. Эндиликда бу шогирдлар қўлда дастқалам билан андозаларни ганчга кўчириш, уларга турли хил жило беришни жойига қўйиб уддалашмоқда. Улар устозлари ортидан бориб, янги замонавий нусхалар яратишга ҳам интилишяпти.

Тўғри, шогирдлари ўз йўлини топиб олишди. Бемалол мустақил иш юритишлари мумкин. Лекин 3-4 та ганчкор билан оғир, масъулиятли касбни жонлантириб бўлмайди-ку. Устанинг нияти меъморчиликда — ганчкорлик мактабини яратиш. Бунинг учун, албатта, меъморлар ҳамжиҳатлиги керак. Турли вилоятлардаги тажрибали ганч соҳиблари билан кучларни бир жойга тўплаб, ўзбек ганчкорлиги анъаналарини давом эттирувчи йирик мактаб яратилса, айни муддао бўлур эди. Самарқанд архитектура ва қурилиш институти, Тошкент политехника институтининг қурилиш факультети ва бошқа тегишли олийгоҳларда бу масалага жиддий эътибор берилиб, етук мутахассислар тайёрлаш ишига истеъдодли ганчкорлар жалб қилинса, шарқликларга хос халқ меъморчилиги мўъжизалари бисёр бўлади.

Бинобарин, бу ишни яқин келажакда амалга ошириш мумкин. Зеро, уста Расул сингари ўз касбини жон-дилдан севган, ардоқлаган инсонлар бор экан, бундай холис ният ерда қолмайди, меъморчилик дурдоналари кўпаяверади. Ўшанда замонавий биноларнинг, нақшинкор обидаларга қараб, халқ усталарининг санъатига тасанно дейсиз.

А. БОЛИЕВ.



Суратда: уста Р. Ибодов.

МУШТАРИЙ:

...МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАДИ

ИККИНЧИ ОНА ЮРТИМ

Саксон тўққиз ёшга кирдим. 54 йилдирки, ўзбек халқи билан ҳамнафас бўлиб яшаяпман. Шу юртда умримнинг энг қайноқ дамлари, ёшлик йилларим ўтди. Ўзбекистонга 1937 йили — юртимиз учун энг оғир, суронли, алғов-далғов йилларида келгандим. Иккинчи она юртим Ўзбекистонга келган дастлабки кунимданоқ халққа, ёшларга илм-маърифат бериш билан шуғулландим. Ҳамон ёдимда, ҳар тонг кўчада борар эканман, учраган кишилар, ёшлар «Ассалому алайкум, домла» деб мурожаат этишганида дилим гурурга тўлар эди.

Ҳозирги кунда эса қарилик ташвини суряпман. Собиқ ўқувчиларим шодлик, байрам кунлари келиб табриклайдилар. Инсонга бундан ортиқ бахт борми? Тўрт фарзандим ҳам шу юртда туғилишди. Улар жамиятнинг фаол аъзолари бўлиб етишдилар. Оғир уруш йиллари очарчилик, қаҳатчилик даврларида ўзбек халқи барчамизни боққан, бошимизни силаган. Шу пайтгача ёрбиродар бўлиб яшадик. Менинг она юртим Бошқирдистон, Ўзбекистон эса иккинчи она юртим.

Жамил ЛАТИПОВ.
Янгийўл райони.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

«ОҚТОШ»ГА ЁРДАМ КЕРАК

Жумҳуриятимизда шифобахш булоқлар, минерал сув масканлари тобора кўпайиб бормоқда. Лекин ҳозирги пайтда минтақамизга хос бўлган айрим хасталиклар — жигар, буйрак, ошқозон-ичак сингари касалликлар камаймаяпти. Юртимизда шифобахш масканлар сонини қанча кўпайтирсак, шунча фойдали. Лекин бундай хайрли ишларга ҳамма жойда ҳам бирдек эътибор берилмаяпти.

Маълумки, Жиззах вилоятида кўплаб ана шундай шифо масканлари бор. Баҳмал ноҳияси «Оқтош» қишлоғидаги «Оқтош» минерал суви таркибида инсон соғлиғи учун фойдали тузлар бор. У мутахассислар томонидан эътироф этилганига ҳам анча бўлди. «Оқтош» минерал сувининг шифобахшлик даражаси Ленинграддаги Пальюстарский, РСФСРдаги бир қанча ана шундай шифобахш сувлардан бир неча баравар ортиқдир. Афсуски, «Оқтош» минерал сувидан унумли фойдаланилмаётир. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мутасаддилари ана шундай хайрли ишга бош қўшишса неча-неча беморлар дарддан фориғ бўлур эдилар. Лекин мутасадди ўртоқлар бундай долзарб ишни асоссиз пайсалга солиб келмоқдалар.

С. АҲМЕДОВ,
Баҳмал районидаги «Нурли қуёш» давлат хўжалиги.

Шунингдек, рўзномамизга Р. Умаров, А. Матрасулов, С. Ҳикматов, А. Тўхтамуродов, Ҳ. Каримов, Н. Санатова ва бошқа мухтарийларимиз ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

1991 йил—Алишер Навоий йили

МУКОФОТГА НОМЗОДЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ҚЎМИТАСИДА

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари қўмитаси 1991 йилги Навоий мукофоти олиш учун ушбу мукофотга оид Янги Низомнинг олтинчи моддасига биноан қардош жумҳуриятлар ва чет элларнинг маданият арбоблари бўлган қуйидаги номзодлар қўшимча тарзда конкурсга тақдим этилганини маълум қилади.

МАНЗАР САЛИМ — Ҳиндистон ёзувчиси ва таржимони. Ўзбек адабиётидан Ҳамзанинг шеърий тўплами, Ойбекнинг «Қутлуғ қон», О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романлари, Ғ. Ғуломнинг «Шум бола» қиссаси, умумсовет адабиётидан М. Шолоховнинг «Тинч оқар Дон», М. Авезовнинг «Абай» эпопеялари ва бошқа машҳур асарларнинг урду тилига қилинган таржималари учун.

Чет мамлакатлар билан Дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти ҳайъати, «Ўзбекистон — Ҳиндистон», «Ўзбекистон — Покистон» жамиятлари бошқарувлари, «Шарқ» нашриёти жамоаси томонидан тақдим этилган.

НАСИПБЕК АЙТОВ — Қозоғистон ёзувчиси. Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонининг қозоқ тилидаги таржимаси учун.

Қозоғистон Ёзувчилари уюшмаси котибияти тақдим этган.

Конкурсга тақдим этилган ишлар матбуотда, телекўрсатув ва радиоэшиттириш орқали, шунингдек, жамоатчилик томонидан ўз вақтида таҳлил ва муҳокама қилиниши Навоий номидаги мукофотни беришда қўмитага катта ёрдам бўлади. Қўмита Навоий номидаги мукофотни олишга кўрсатилган номзодлар муҳокамасида иштирок этган, шу масалалар юзасидан оммавий ахборот воситалари орқали ёки қўмитага ёзилган хатларда ўз фикрлари, таклифлари ва мулоҳазаларини билдирган ижодий ҳамда жамоат ташкилотларига маданият идоралари ва муассасаларига, барча меҳнаткашларга миннатдорчилик билдиради.

Мукофот олиш учун кўрсатилган ишлар ҳақидаги фикрлар, таклифлар, мулоҳазалар, жамоатчилик муҳокамаси материаллари **Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари қўмитаси**га, қуйидаги манзилга юборилсин:

700027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 98-уй, 40-хона.

Тел: 45-83-26; 45-85-20.

СУРАТ-АХБОРОТ

Тошкентдаги миллий чолғу асбоблари ишлаб чиқариш бирлашмаси кейинги пайтларда ижара пудрати асосида маҳсулот чиқармоқда. Бирлашманинг моҳир усталари томонидан тайёрланаётган буюмлар жумҳуриятимизда, ҳатто унинг ташқарисида ҳам машҳур. Чунки кейинги йилларда бундай маҳсулотларга бўлган талаб анча ошди. Лекин бирлашма ўз имконияти даражасида маҳсулот чиқара олмаяпти. Чунки зарур хом ашё материаллари билан тўла таъмин этилмаётганлиги туфайли истеъмолчилар талаби тўла қондирилмаяпти. Бироқ бор имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилаётган моҳир усталар план ва топшириқларини ортиғи билан бажаришга эришмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг фахрий ишчиларидан Абдукарим Йўлдошев (юқорида) ва Эргаш Юнусматов иш устида.

Т. КАРИМОВ олган суратлар.



ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

1991—1992 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТИЖОРАТ КУЛЛИЁТИГА — «Халқаро иқтисодий муносабатлар» фақат кундузги бўлимга «Савдо ва умумий овқатланиш иқтисодиёти ва бошқариш», «Ноозиқ-овқат товарлари товаршунослиги ва тижорат фаолиятини ташкил қилиш», «Озиқ-овқат маҳсулотлари товаршунослиги ва тижорат фаолиятини ташкил қилиш», «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари товаршунослиги ва хом ашё тайёрлаш» мутахассисликлари бўйича.

ҲИСОБ-ИҚТИСОД КУЛЛИЁТИГА — «Бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш», мутахассислиги бўйича («Матлубот кооперациясида назорат ва тафтиш», «Матлубот кооперациясида ҳисоб, назорат ва таҳлил», «Матлубот кооперациясида бухгалтерия ҳисоби ва молия» ихтисосликлари бўйича).

МУҲАНДИС-ТЕХНОЛОГИЯ КУЛЛИЁТИГА — «Умумий овқатланиш маҳсулотлари технологияси», «Консерва тайёрлаш технологияси» (фақат кундузги таълим учун) мутахассисликлари бўйича.

Кирувчилар ректор номига ариза билан қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ўрта (олий) маълумот тўғрисидаги ҳужжат ёки унинг нотариус тасдиқлаган нусхаси, 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома, меҳнат дафтарчасидан кўрчирма, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, шунингдек, паспорт кўрсатилади.

Олий билимгоҳнинг шартнома асосида кадрлар тайёрлашга ўтганлиги муносабати билан барча абитуриентлар жумҳурият, вилоят матлубот жамиятлари уюшмаларидан, вилоят ижроия қўмиталарининг савдо бошқармаларидан, савдо ташкилотларидан, трестлардан ва билимгоҳлар билан шартнома асосида иш олиб борадиган бошқа ташкилотлардан мақсадли йўлланмалар олиб келишлари лозим.

Билимгоҳга суҳбат асосида ҳамда кириш имтиҳонлари натижалари орқали қабул қилинади.

Суҳбат натижаларига кўра, кундузги ўқишга техникумни имтиёзли диплом билан тамомлаган, шунингдек, барча фанлардан, аъло ва яхши баҳолар олган ҳамда вилоят, жумҳурият матлубот жамиятлари уюшмалари томонидан режалаштирилган ўринга юборилган шахслар қабул қилинади. Бу тартиб бошқа системадаги техникумларни тамомлаган, кадрлар тайёрлаш бўйича олий билимгоҳ билан шартнома тузган ташкилотлар ва корхоналар томонидан юборилган шахсларга ҳам тегишлидир.

Ушбу шартлар билан сиртқи бўлимга, танлаган мутахассислиги бўйича техникумни тамомлаган ва мазкур мутахассисликда ишлаб келаётган барча шахслар қабул қилинадилар.

Суҳбатдан ўта олмаганлар кириш имтиҳонларига қатнашишлари мумкин.

«Халқаро иқтисодий муносабатлар» мутахассислиги бўйича кирувчилар ҳужжат топширишдан аввал инглиз тили бўйича суҳбатдан ўтадилар.

КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ТОПШИРАДИЛАР:

ТИЖОРАТ ва ҲИСОБ-ИҚТИСОД КУЛЛИЁТЛАРИДАГИ мутахассисликлар бўйича **математика** (ёзма);

МУҲАНДИС-ТЕХНОЛОГИЯ КУЛЛИЁТИДАГИ мутахассисликлар бўйича **кимёдан** (ёзма);

Ҳамма куллиётларга кирувчилар **ўзбек** (рус) **тили ва адабиётидан** имтиҳон (диктант) топширадилар.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) **медаль билан ва ўрта махсус билим юртларини имтиёзли диплом билан тамомганлар битта имтиҳон топширадилар:**

— тижорат ва ҳисоб-иқтисод куллиётларига кирувчилар — **математикадан (ёзма);**

муҳандис-технология куллиётларига кирувчилар — **кимёдан** (ёзма);

Шу имтиҳонлардан «беш» баҳо олганлар қолган имтиҳонлардан озод қилинадилар ва олий билимгоҳга қабул қилинадилар.

«Тўрт» ва «уч» баҳо олганлар эса қолган имтиҳонларни топширадилар.

Ўрта маълумот асосида ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан тугатган шахслар учун юқоридаги тартиб билим юртида эгаллаган касби билан кириш чоғида танланган ихтисос мос келсагина қўлланилади.

Аризалар сиртқи бўлимга 29 июнгача, кундузги бўлимга эса 25 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

Суҳбатлар сиртқи бўлимга кирувчилар учун 1-3 июль кунлари олий билимгоҳда ва 4-5 июль кунлари Тошкент шаҳрида, КУНДУЗГИ БЎЛИМГА — 8 июлдан 15 июлгача ўтказилади.

16 июндан 15 июлгача консультациялар ўтказилади.

Кириш имтиҳонлари сиртқи бўлимда 6 июлдан 15 июлгача, кундузги бўлимда 16 июлдан 31 июлгача ўтказилади.

Олий билимгоҳ талабалигига қабул 1 августдан 15 августгача ўтказилади.

Ҳужжатлар институтга, шунингдек сиртқи бўлимга Тошкент шаҳрида (Лутфий кўчаси, 18-уй, ўқув-консультацияси пункти, телефон 76-94-00) **соат 9 дан 17 гача қабул қилинади.**

Олий билимгоҳ манзили: 703000, Самарқанд шаҳри, Коммунистик кўчаси, 41-уй қабул ҳайъати. Телефон: 33-37-74.

Одобнома

Муқимжон Ниёзов рўзномамизнинг фаол муаллифларидан. 1939 йили Андижон районида туғилган. Ижодий фаолиятини ишчи мухбирлар сифатида «Коммунист», «Совет Ўзбекистони» ва бошқа бир қатор рўзномаларда хат-хабарлари билан бошлаган. Ўн иккита ҳикоялар тўпламининг муаллифи. У республикада хизмат кўрсатган маданият ходими. СССР ёзувчилар ва журналистлар уюшмаларининг аъзоси, Андижон вилоят Кенгашининг депутати.

Унинг ахлоқ-одобга доир мақолаларини муштарийлар қизиқиб ўқишади. Қуйида инсон одобига оид қатраларидан яна бир шингилини ўқийсиз.

ПАРТИЯ НОМИ БИЛАН

Мен у киши билан шаҳар партия комитетида тез-тез учрашиб турар эдим. Коммунистик партияга эътиқод, бурч ва масъулият ҳақида доно фикрларни илгари сурар эди. Шунинг учунми ҳар гал учрашганимизда суҳбатига муштоқ бўлиб турар эдим. Партия аъзосининг софлиги ва ҳалоллиги ҳақидаги мулоҳазаларини эшитиб «қани энди сафимизда шундай кишилар кўп бўлса» деб орзу қилар эдим. Бир неча йиллардан бери уни партия анжуманларида учратмай қолдим. Ҳасодифан яқинда соқол қўйган бир алфозда кўрдим.

Табиийки, суҳбат «оламда нима гаплар»дан бошланди. Гап бедарак кетишининг сабабларига бориб тақалди.

— Бошлиғимизни танийсиз, — деди у. — Ошнангиз бўлади. Лекин у аблахлик қилди...

Бу ерда ҳеч қандай адолатсизлик юз бермабди. Фақат бошлиғи унинг илтимосига қулоқ солмабди. У бўлса шунча йиллардан бери туз-намак бўлиб келаётган бошлиғидан сира буни кутмаган экан. Шу-шу танишим партия сафидан чиқишга аҳд қилибди. Жуда кўп ўртоқлари ўртага тушибди. Бургага аччиқ қилмасликни тушунтиришибди. Йўқ, қайсар танишим бошлиғидан аламини олиш мақсадида партия билетидан воз кечибди. Шу ҳам баҳонами?!

Мен унинг қоп-қора соқолига термулиб туриб инсон қиёфасини нечоғлик тез ўзгартириб олишига шубҳа қилмадим. Кечагина ана шу соқол босмаган тоза чеҳрасида партиядан шукроналик аломатлари балқиб турган эди. Бугун эса кимгадир қасд қилиб партияга маломат тошлари отаётганлигини ҳис этмай илож йўқ...

Яқинда вилоят ташкилотларининг бирида ишлаётган бир ўртоқ ҳам шартта ишни ташлаб бошқа соҳага ўтиб кетди. У турғунлик йилларида «жуда қийинчилик билан партия сафига ўтган эди. Йиллар ўтаверди, аммо унинг армони ҳадеса ушалмади. Уч-тўрт кишига бошлиқ бўлишдан нарига ўтолмади. У эса катта амал курсисини қўмсарди...

Партия сафларининг ана шундай амалпарастлар, шуҳратпарастлардан тозалангани яхши.

Кейинги пайтда Андижон район партия комитетининг бюроси ана шундай коммунистлардан 9 кишини партия сафидан ўчирди.

Шу ўринда бир воқеани айтмоқчиман.

Вилоятимиз меҳнаткашлари А. Йўлдошевни яхши билишади. У бир вақтлар район ижроия комитетининг раиси, сўнг хўжалик раҳбари бўлган. Унга республика миқёсидаги шахсий пенсия тайинланаётган кезларда партиядан ўчирилган. Натижада бутун умри бўйи мисқоллаб топган ҳурматэътибори чилпарчин бўлган эди. Мен у кишини нотўғри ёки тўғри ўчирилди, деб айтаолмайман. Ҳозир унинг партиядан ўчирилишида ноҳақликка йўл қўйилган-қўйилмаганлиги ўрганилмоқда. Фақат ёшини яшаб, тақдирига тан бериб яшаётган отахоннинг вилоят партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссияси мажлисларининг бирида айтган қуйидаги гапларини эсга олмоқчиман. Менга партия билетимни қайтаринглар. Ўлганимда фарзандларим «отам коммунист» эди деб фахрланиб юришсин. Илтимос, коммунист сифатида ҳаётдан кўз юмай...».

Ҳа, кимдир шу номга ташна, у билан фахрланади, унга муносиб бўлишга интилади. Кимдир ундан ўз манфаати, имтиёз учун фойдаланмоқчи бўлади...

УЙНИНГ ЭГАСИ КИМ?

Арофат холанинг чоли ҳаётдан кўз юмдию унинг бева-бечоралиги ўсма ювилиб қош қолганда, кўринди-қолди. Чолининг маҳалла-кўйга яроқлиги, уддабуронлиги уйдаги «сир»ни пинҳон тутиб турган экан. Марҳумнинг маросимлари ўтдиям, унинг бисоти ниҳоясига етгандай бўлди. Яхшиям, ғужум ўзбек маҳалласи бор, қўшниларнинг ҳоли бир-бирларига беш қўлдай аён. Шу боисдан бириси косада палов, бошқаси иссиқ нон, сигири бори қатиқ... ким нимага қодир бўлса шуни Арофат холага илинишарди...

Лекин ўзингда йўқ бўлгандан кейин қийин экан. Ёшлигида онахон колхозда ишлаган эканлар, аммо ҳужжатларни топиб бўлармиди?! Маҳалла комитетига чиққан эди, раис у ёққа, бу ёққа югургандай бўлди. Оз бўлсада нафақа ола бошлади. Раҳм-шафқат кўрсатувчи идора ёрдамга шошилди. Ҳар ҳолда холанинг қадди бироз кўтарилди...

Кунларнинг бирида кампир давлатимизни, яхши одамларни алқаб ўтирган эди, нариги кўчада яшайдиган Турғунбой деган йигит кириб келди. Хола уни танийди-ю, нима иш қилишини билмайди. Топармон-тутармон. Тунов куни хотин-халажлар ўлик-тирикларга ош берган экан, шу йигитни гўштга, ёрдам берди дейишувди...

Худога шукр, куним ўтиб турибди. Чолимнинг узоқ қариндошларидан бири кенжа ўғилчасини ташлаб кетмоқчи. Ҳамроҳ бўлади. Тирик жон. ўлиб-нетиб қолсам жағимни бойлар, қўшниларга хабар берар... — деди кампир йигитга.

— Мана бу пулни олиб қўйинг. Бирор кор-ҳолга яратарсиз, хола, — деди Турғунбой ва кампирнинг олдига битта 50 сўмликни қўйди.

Холанинг кўнгли беҳузур бўлиб кетди. Чор-ночор яшаса ҳам бировдан «қийналиб қолдим, раҳм қилинг» деб пул олмаган эди. Қандоқ бўларкин?

— Йўқ, йўқ, ўғлим! Аҳволимни кўриб турибсиз. Охиратим яқинлашиб қолди, қарздан ўлгудай қўрқаман. Қўлингиздан келса, нафақани кўпайтириб беринг, — сир бой бермади кампир.

Турғунбой «қарз эмас, атаганим», деди-да, аста ўрнидан қўзғолди. У Арофат холанинг нафақаси билан шуғулландими йўқми номаълум. Бироқ ҳар ойда нафақа келадиган куни почтальон қўшимча гоҳ 15, гоҳ 20, баъзан 25 сўм пул обкелиб беради. Хола пулларнинг гоҳ камайиб, гоҳ ортишига эътибор бермади. Давлат пули кўплигида кўп, озлигида шунга қараб иш кўраяпти, деб ўйлади.

Вақти соати етиб Арофат хола ҳам омонатини топширди. Маросимларни Андижон шаҳридаги «Дўстлик» маҳалласи ўтказди. Холанинг йигирмаси чиқиб-чиқмай узоқ қариндоши уйни расмийлаштиришга ҳаракат қилиб қолди. У ҳар ойда почта орқали келаётган пулларни ҳам гўё ўзи... Шунда Турғунбой ўзини тутолмади: жамоага «ўроқда йўқ, машоқда йўқ» қариндошларнинг сирини фош этди:

— Пулни сиз эмас, мен жўнатиб турар эдим, — деди у дадил.

ҚАЙТИШ

Уни ёшу қари Отажон деб атайди. Отажон ҳам етти яшардан тортиб етмиш ёшгача бўлганнинг юмушини бажараверади. Ҳайдовчи эмасми, қишлоқда нима кўп—юк машинасига талабгор кўп...

Кексаларнинг айтишича, Отажонлар қишлоқда уруш йиллари пайдо бўлишган экан. Болалар билан ўйнаб, мол боқиб, дала-тошда улар билан бирга тунаб қолиб, хуллас қишлоқ болаларига хос жамики «кўргилик»ларни бошидан кечирибди у.

..Отажон совет немисларидан... У Олмонияни орзу қилиб қолди. Шундагина кўпчилик унинг исми Оттолигини билишди. Барибир ҳамма Отто эмас, Отажон деб хайрлашди, кўз ёш тўкишди...

Отажон — Отто Олмонияга бориб йирик бир фермернинг қўлида ҳайдовчилик қила бошлади. Унга уй-жой беришибди. Яхши ишлаши, яшаши учун шароитлар муҳайё экан. Озуқа базасидан ем ташиш билан шуғулланибди. Ишини билиб, пухта, бекаму-кўст адо этса бўлди — бу ернинг таомили шу.

Шунда Отто — Отажон Совет юртини Фарғона водийсини, унинг беминнат одамларини, эслабди. Қандай ажойиб юрт, бағри кенг, кечирувчан халқ... Қайтиб борса, кечиришармикан кўнглидан ўтди унинг.

— Яқинда, — дейди асакалик Фозилжон Иброҳимов, — Отажонни қайтиб келганини эшитдик. Чўлда ҳайдовчилик қиляпти.

Ҳа, унинг Ёзёвон — Бўз йўлида машина ҳайдаб юрганини кўришибди...

Муқимжон НИЁЗОВ.

СПОРТ

ЯНА БИР ЧЕМПИОН

Жумҳуриятимиз ёшлари бу йилги тайёргарлик машқларини асосан олимпиада-олди баҳси ҳисобланган спартакиадага қаратишмоқда. Бу йилги катта-кичик мусобақалар ва СССР халқлари спартакиадаси синовларидан муваффақиятли ўтиб, мутахассислар ишончини қозонган ёшлардан Ўзбекистоннинг терма жамоасини таркиб топтириш кўзда тутилган.

Сирасини айтганда, йигит-қизларимиз бўш келишмаяпти. Куни кеча Польшанинг Владиславо шаҳрида ўтказилаётган Европа чемпионатида тошкентлик Олтимурод Ораздурдиевнинг юқори натижага эришиб, олтин медаль эгаси бўлгани ҳақида хабар қилган эдик. Унинг ҳамшаҳри, юз килограмм вазнли Игорь Содиқов ҳам ўзини кўрсатди. У икки курашда 405 килограммли натижа билан қитъа чемпиони бўлди. Бундан ташқари вакилларимиз учта кумуш, битта бронза медалига эга бўлишган. Оғир атлетикачиларимизнинг бу ютуқлари жумҳуриятимизда спортнинг мазкур турига қизиқиш ортаётганидан далолатдир.

Сирим спортнинг янги тури. Эндигина расм бўлаётганига қарамай, унга қизиқувчилар сафи кенгайиб бормоқда. Сирим ҳам полвонлар кураши бўлиб, мутахассислар беллашув усулига фарғонача ва бухороча баҳсларнинг кўп жиҳатларини сингдиришга ҳаракат қилишган. Айтайлик, полвон енгил кийинган ҳолда рақибининг қисқа фурсатда курагини ерга тегизиши лозим бўлади. Тошкентда бўлиб ўтган мусобақада Мурод Маҳмудов, Игорь Тоштурдиев, Валерий Ким, Олимбек Файзуллаевлар ғалаба қозонишди. Аъзамжон Шокиржонов мутлақ ғолиб бўлди. Ўйлаймизки, сирим яқин келажакда Иттифоқ бўйича оммалашиб, йирик баҳсларни ташкил этишга имкон берадиган бўлади.

Италия йўллари бўйлаб давом этаётган профессионал велосипедчиларнинг халқаро пойгасида тошкентлик Жамолиддин Абдужабборов пешқадамлар сафида бормоқда. У еттинчи босқич — 274 километрли йўлни 4 соат 4 минут 43 секунтда босиб ўтиб, иккинчи ўринни эгаллади.

«Фотоконкурс-91»



Полвонлар беллашувида.

Р. ШАРИПОВ олган суратлар.

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари вазирлиги коллегия ва жамоаси вазирликнинг коллегия аъзоси, Тошкент автомобиль йўллари бирлашмаси бошлиғи Р. И. Раимқуловга отаси

Ислом РАИМҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳи раҳбарияти ва жамоат ташкилотлари фалсафа кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор И. Ж. Жумабоевга опаси

Ниёзжон ОЛЛОБЕРГАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳи маъмурияти ва жамоат ташкилотлари иқтисодий ахборот факультети декани, доцент А. Т. Каримовга отаси

Тожиддин КАРИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирлигининг Ер тузиш ва ердан фойдаланишни назорат қилиш Бош бошқармаси жамоаси етакчи мутахассис М. Сайдалиевага турмуш ўртоғи

Рашид САЙДАЛИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги, ҳайъати ва жамоаси Амударё сув ҳавзаси бошлиғи К. С. Сапаевга онаси

Еқутжон САПАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон жумҳурияти муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш вакиллиги жамоаси вакиллик бошлиғининг ўринбосари Б. Зубайдуллаевга онаси

Малика ЗУБАЙДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБЎТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-41-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5381.

Босишга топшириш вақти — 21.00.

Босишга топширилди — 21.00.

№ 106. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12